

24061
10 2

Ю
24061
2

ОЛИМЖОН БҮРИЕВ

**ЗАМАХШАРИЙ
НОМА**



06-1806

Олимжон БЎРИЕВ

ЗАМАХШАРИЙНОМА

Тошкент
"ЎЗБЕКИСТОН"
1996

Б 95 Тақризчи — Убайдулла УВАТОВ. филология фаълари номзоди

Муҳаррир — Муҳиддин ОМОН

Бўриев Олимжон.

Замахшарийнома.—Т.: Ўзбекистон, 1996.—96 б.

ISBN 5-640-0207-5

Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган беназир инсон, улуг аллома Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий маърифат дунёсида диний илмлар, лугатшунослик, грамматика (шаҳв), аруз, адабиётга ва мантиққа оид элликка яқин асари, хусусан, Қуръони карим тафсирига бағишланган "Ал-Кашшоф" китоби орқали маълум ва машҳурдир.

Олимжон Бўриевнинг "Аттор", "Илтифот" шеърый мажмуалари, жомийнинг "Юсуф ва Зулайҳо", "Лайли ва Мажнун", "Саломон ва Абсол", "Низомий", Насафийнинг "Ким зўр" ("Баҳориёт") ҳамда "Чор китоб" асарларидан ўгирган таржималари чоғ этилган. Унинг янги китобига Замахшарийнинг бутун ислом маданиятида муҳим ўрин тутувчи "Нозик иборалар" рисоласи асос қилиб олинган бўлиб, унда шоир насрий баённи назмга ажиб лутф ва инжа ташбеҳлар орқали ўтиради. Рисоладан ўрин олган ҳикматлар, тафсирий лавҳалар Қуръон гояларини улуглайди, китобхонни иймонли, эътиқодли, пок иниятли комил инсон бўлиш ва маънавий дурдоналарини қадрлашга даъват қилади.

Ушбу асар улуг алломанинг 920 йиллик тўйига тухфа бўлади, деган умиддамиз.

ББК 86.38

№ 123-96

Ўзбекистон Республикасининг
Навоний номидаги давлат кутубхонаси.

Б 4702620104-159-96
М 351 (04) 96

ДЕБОЧА

Бу ҳикмат соҳиби Аз-Замахшарий,
Донишманд олиму илм сарвари.
Жоруллоҳ лақабли ҳазрати инсон,
Арабу Ажаму машҳури жаҳон.
Туғилган макони қадим Хоразм,
Нозик иборасин айладим назм.
Олим Убайдулла фарзанди Мурод,
Каминага дўсту биродар устод,
Этди арабчадан туркий таржима,
Бордир услубида насрий жимжима.
Ундан илҳомланиб, келиб хуш ният,
Мадад бер кучингни кўрсат шеърият.
Ҳикмат мағзи эрур Замахшарийдан,
Пинҳона гап бўлмас ҳақ назаридан.
"Аввал Пайғамбарни яратган худо,
Кейин шоирларни айлаган пайдо".
То элга ёйсин деб улар сўзини,
Очсин деб то мудроқ халқнинг кўзини.
Мен улуғ бир ишга айладим журъат,
Мадад бер, қўллагил илоҳий қудрат.
Ҳар бир сўз отилиб қалбим қуридан,
Ёдгорлик қолсин бу Олим Бўридан.

* * *

Кимки қилса жангу жадал,
Бўлгунича масала ҳал.
Гоҳ хафа, гоҳ шод бўлажак,
Вайрону обод бўлажак.
Ноаҳиллик бермас фойда,
Аввал — охир ҳеч бир жойда.

Бу дунёда яшасанг тинч,
Тўлар дилга доим севинч.
Амал қилсин ёшу қари,
Демиш шундоғ Замахшарий!

* * *

Кимки агар берса пора,
Билиб-билмай иккибора:
Золимлигу ноҳақликка
Ёрдам берар рости тикка!
Қочсин ундан инсон бари,
Шундай деган Замахшарий!

* * *

Эй Аллоҳ, қалбимдан чиққан ҳар калом,
Нозик ибораю эзгу эҳтиром,
Менга инояту саховатингдур,
Файзи беқийёсу тароватингдур.
Барча неъматларки берибсан комил,
Шукрона айтмоқлик биздан таомил.
Килкимдан тўкилган не ҳикматки бор,
Мендан бу оламда қолур ёдгор.
Ҳеч қачон хор бўлмас илм гавҳари,
Абадий яшагай аз-Замахшарий.

* * *

Бунда мумкин эмас ҳақни эшитмоқ,
Чунки битиб қолган ҳар сомъи қулоқ.
Қасрда бўлса гар гавфою бидъат,
Кучини йўқотур илоҳий ҳикмат.
Ҳар инсон интилсин ҳақиқат сари,
Дея орзу қилган аз-Замахшарий!

* * *

Ҳеч кимса қидирмас бунда бир тадбир,
На ошкор мавжуду на пинҳона сир.

Қаерга бормагил низою ур-сур,
Эвоҳки, ҳеч кимса қилмас тафаккур!
Яратғувчи шундоқ айлаган ижод:
"Мевасини берсин ҳар бир истеъдод!"
Бу гўзал оламда яшаган сари,
Сенга ихлос ортар, Аз-Замахшарий.

* * *

Бордир бир тоифа хаёлга толган,
Улар уйғонмасдан ғафлатда қолган.
Ётган тўшаклари мангу ғофиллик,
Шу боис ишлари доим жоҳиллик.
Кўзлари уйқудан очилган замон,
Улар ташланишар мисоли қоплон.
Ғафлат уйқусидан азиз инсон қоч,
Қоплонга айланмай кўзларингни оч!
Эпласанг, оламда бўлгил хушқилиқ,
Қолиб кетмагайдир ҳеч бир яхшилиқ!
Токи айланаркан фалак меҳвари,
Интил эзгуликка дер, Замахшарий.

* * *

Ўзинг илгимиздан тутиб эй худо,
Хаста кўнглимизга бағишла даво.
Муроду мақсадга етакла ўзинг,
Дилимизда бўлсин ҳар айтган сўзинг.
Суйган неъматингдан баҳравар этгил,
Сўнгни манзилимни мунаввар этгил.
Бўлсин эзгулигу иймонда дилим,
Ҳамда шукронаю мадҳингда тилим.
Дилу дин бир бўлса нозни ташар таъб,
Ўзинг далолат бер, лутф ила, эй раб!
Ётганда ҳар кимнинг қазо-қадари,
Армонда кетмасин, Аз-Замахшарий.

* * *

Аллоҳга яқину азиз мукаррам.
Ўзингсан барчадан Сарвари олам.
Энг кўп дуоларни этиб ижобат,
Ҳар бир умматингга берурсан мадад.
Ҳақ ва Пайғамбарга меҳримиз буюк,
Умид охиратда этгайдир суюк!
Йўлдан урмаса бас, дин ғоратгари,
Раҳматга стайлик Аз-Замахшарий.

* * *

Омина фарзанди тўғри ва покдир,
Измида замину юксак афлокдир.
Муҳаммад Пайғамбар муборак номи,
Иймон келтир унга, ҳақнинг каломи,
Шу улуғ инсонга бўлгандир нозил,
Охиратда уни халоскоринг бил.
Демассан қиёмат кўпганида: "ух!"
Бўларсан қўрқувсиз, хотиржам бир руҳ!
Хок эди, хок бўлгай инсон пайкари,
Ҳам қайта тирилгай Аз-Замахшарий.

* * *

Фарзанднинг отага нисбати ўзга,
Ота номи боис ташланар кўзга.
Ота улуғ бўлса фарзанд ҳам машҳур,
Фалончи ўғли деб этилгай зуҳур.
Ота ёмон бўлса уриб касофат,
Дейилгай фалончи ўғли — бу офат!
Она-чи, доимо азизу ғамхор,
Билмагай бирову эрур улуғвор.
Сўрамас ҳеч кимса ким деб волиданг
У донм ҳурматда, етмас унга нанг.
Она обрўйини ғойибдан тўкиш,
Нодон фарзандга хос эшитиб сўкиш.

Она қарғишига қолма, эй, фарзанд,
Бўлгил бу ҳикматга бир умр пайванд.
Онаси шунчалар эрди меҳрибон,
Бир чумчуқ пойини синдирган замон,
Қарғади ўғлини, тушиб назари,
Бир пойдан ажралди Аз-Замахшарий.

* * *

Баридан кеч, бўлгил илмли доим,
Ёки илм билан иш тутгил қоим.
Илмдан сўз кетса тингла лоақал,
Бу учга амал қил, бўлсанг боақл!
Бироқ тўртинчиси, аксини қилма,
Юксакдан нодонлик бирла йиқилма.
Касодга учрабон бўларсан ҳалок,
Шу боис илм ол сени ютмай хок.
Илм мангуликнинг боқий гавҳари,
Уни сотиб бўлмас, Аз-Замахшарий.

* * *

Агарда эшитсанг қайғули хабар,
Дарҳол ўша жойга боргил биродар.
Юз берса ўлим ё мунгли ҳодисот,
Қайғурма, бу эрур қонуни ҳаёт.
Баҳона қидирма худонинг фарзи,
Инсонга инсоннинг исломий қарзи.
Бўлса гар зиёфат, ёки тўю сур,
Бориш-бормасликни яхши ўйлаб кўр.
Бахил бўлса борма, бўласан бахил,
Сахий гар чорласа, унда ўзинг бил!
Бўйин эгма бўлсин гар Искандари,
Доимо мағрур бўл, Аз-Замахшарий.

* * *

Баъзилар бор жуда ҳам айёр,
Кудрилардек талагай гаддор.

Иш битгунча сўзлаб ажойиб,
Сўнг бўлади кўзлардан ғойиб.
Қайда бўлса агар бундай шахс,
Номи унинг касофату наҳс.
Қоч улардан доимо нари,
Шу маъқулдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Кимда бўлса кучли хотирот,
Унутгайдир гинани у бот.
Ким бўлса гар юмшоқ, оқкўнгил,
Оламда у энг шафқатли бил.
Ким бўлса гар мумсик, муғомбир,
Охиратда бор унга омбир.
Ёмон юрар "миш-миши" билан,
Яхши юрар ўз иши билан.
Бор ҳар кимнинг турфа ҳунари,
Парво қилма, Аз-Замахшарий.

* * *

Мол-мулкни беҳуда айлабон исроф,
Кўфрони неъматдир бўлса ғазна соф.
Кайф суриб мулкани совурса ҳар бой,
Шубҳасиз охири бўлади гадой.
Тадбир-ла иш тутсанг — пул топади пул,
Ўйламай сарфласанг учраб таназзул —
Қандай берган бўлса қайтиб олади,
Ҳушёр бўл, сенга у айтмай олади.
Арзимас матодир дунёнинг зари,
Худо тавфиқ берсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Подшоҳга энг яқин бўлса қай киши,
Яқинлар ичида улуғдир иши.
Подшоҳнинг ғазаби қўзғалган замон,
Эҳтимол бўлар у биринчи қурбон.

Ё шоҳга қарши бир қўзғалса найранг,
Булар шоҳдан олдин унинг ҳоли танг.
Ким шоҳга хуш ёқиб минса амалга,
Шубҳасиз у яқин тургай ажалга!
Подшоҳдан ўзингни доим тут нари,
Бўлма амалпараст, Аз-Замахшарий.

* * *

Асло кўрсатмасин, пок парвардигор,
Ғам, ҳасрат селида қолсанг баякбор.
Қанча фиғон чекиб урмагил фарёд,
Барибир сзмагай сенга ҳеч имдод.
Ўзидан сўрагил айлаб илтижо,
Мушкилингни осон қилажак худо!
Сенга тушса агар ҳақнинг назари,
Армонинг қолмасди, Аз-Замахшарий.

* * *

Сенга туғишганинг қилса ёмонлик,
Худодан тилагил унга омонлик.
Адоват ўтидан ўзингни тийгил,
Шайтонмас, Раҳмоннинг тўнини кийгил.
Ўзингни ҳимоя қилганда асло,
Ғолиб келсанг, берма ортиқча жазо.
Ёғий ҳийласидан бўлиб бохабар,
Яхшилик қил, бўлгай қайта биродар.
Кўп бўлса дўстларинг йўқдир зарари,
Душмандан алҳазар, Аз-Замахшарий.

* * *

Имоми Аъзамнинг мазҳабида ким,—
Бўлсаю исломдан гар олса таълим,
Энг улуғ имомлар худо яқини,
Уларнинг илтида ислом тизгини.
Келмас баъзиларга ушбу фикр хуш,

Улар ёдлаб олган мисли тўтиқуш.
Бўлмаса инсонда билим, маърифат,
Дуо ёдлаш билан иш битмас фақат.
Худонинг йўлида бир улуғ банда,
Имом Аъзам бўлган муҳиб, арзанда!
Унинг мазҳабидир биз учун шаръий,
Изидан боргаймиз Аз-Замахшарий!

* * *

Наслу насабини мақтаса пасткаш,
Эшитган одамнинг кўнгли бўлар ғаш.
Сув деб етганида ҳар ташна хароб,
Сув эмас, кўзига кўринса сароб.
Ҳовучига тўлса қизиб ётган қум,
Шаксиз кўзларидан ёш тўкар юм-юм.
Пасткаш мақтаганда наслу насабин,
Саробдай бузгайдир чанқоқ асабин.
Сув дея саробни дилим этма ғаш,
Худоё, ҳам этма мақтанчоқ пасткаш.
Майли доноларнинг этма сарвари,
Ҳақиқий доно эт, Аз-Замахшарий.

* * *

Бошингга иш тушса бўлиб мулойим,
Термулиб боқмоқлик одатдир доим.
Қилиб одамларга меҳру мурувват,
Уйғонар дилингда илоҳий рағбат.
Мабодо муродинг бўлса гар ҳосил,
Бўлсанг неъматлару давлатга восил.
Сийратинг ўзгариб, бўлиб бағритош,
Дийданг ўша маҳал қотар мисли тош.
Иймонинг дилингда бўлса саломат,
Сени ўзгартирмас ночорлик, давлат.
Ўткинчи оламнинг неъмاتي бари,
Фақат илм боқий, Аз-Замахшарий.

* * *

Аввал қилган бўлсанг хайру саховат,
Бу ишни ўзинга доим қил одат.
Эзгулик йўлида бўлсанг абадий,
Сени қўллагайдир худою Набий.
Қушлар қанотининг ҳар кичик пати,
Катта патларига бордир мадади.
Мабодо патлари тўкилса бир-бир,
Қуш парвоз қилолмай қолади охир.
Яхшиликни айла қанотга қиёс,
Дилингдан сўнмасин оташин ихлос.
Кўп савоб ишларни айласанг, худоё,
Охири бергуси жаннатидан жой.
Сўнмай ҳаётингнинг порлоқ ахтари,
Қуёшга яқин бўл, Аз-Замахшарий.

* * *

Ўз оға-инингни мақтабон ёд эт,
Хушбўй сўзлар ила кўнглини шод эт.
Бўлса ҳам у сендан узоқ шаҳарда,
Номини унутма бу баҳру барда.
Мушки анбар янглиғ бўлсин каломинг,
Шунда яхшилик-ла эсланар номинг.
Оға-инисига сочмаса атрин,
Ул киши йўқотар одамлик қадрин.
Энг яқин қариндош инсон жигари,
Уни қадрлагай Аз-Замахшарий.

* * *

Фисқу фасод ила кўпайса фожир,
На косиб соғ қолгай, на бою тожир.
Аллоҳ юборгайдир ўз вабосини,
Бериб нокасларга ўз жазосини.
Худони унутиб, қилиб кайф сафо,
Кўп золимлар бўлди қурбони вабо.

Қиссадан ҳисса шул бўлиб тозалил,
Ҳақиқат йўлида ўзни фидо қил.
Иймону эътиқод ҳамда пок ният,
Покланса юксалар ҳар бир жамият.
Қалбингга нур сочиб поклик қамари,
Поклик тимсоли бўл, Аз-Замахшарий.

* * *

Ният қилинган иш пишмаган этдур,
Комил ишонч билан камолга еткур.
Орзуйинг кияжак амалий либос,
Агарда жаҳд ила сен қилсанг ихлос.
"Беҳуда ишларга уринма ҳеч ҳам,
Жаҳонда бир иш қил лекин мустаҳкам".
"Ал-Кашшоф" мисоли илм махзари,
Яратдинг офарин, Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳар ишни бошлашдан олдин эй инсон,
Аллоҳ розилигин ўйла ҳар қачон.
Йўқса қилган ишинг булар беҳуда,
Қоларсан доимо ғаму қайғуда.
Худо рози бўлса ўнгланиб ишинг,
Элга ҳам хуш ёқар қилган юмушинг.
Юртини ўйласа юртнинг аскарини,
Ўйи ҳам тинч бўлар, Аз-Замахшарий.

* * *

Ким бўлса гуноҳкор, дўсти ҳамоқат,
Осийга ҳеч кимса қилмас садоқат.
Нопоклик ботқоғи кимни ютса гар,
Қани айт, ким унга қўлини чўзар?!
Кўплаб одамларнинг юраги бироқ,
Улар манглайдан бўлар кичикроқ.
Каттами ё кичик бердинг қандай дил,
Худоё ўзинг сен мунаввар қилгил.

Агарда дил бўлса чароғон, равшан,
Сиғар унга меҳр, элу юрт, Ватан.
Бўлсин ҳар юракда иймон гавҳари,
Каттами, кичикми, Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳикмат лаззатини билмагай нодон,
Тумов гул ҳадини сезмагансимон.
Ҳикматни сўзлагил ҳар соҳибдилга,
Гулни бер, машуқи дили бисмилга.
Бўлмаса илмдан инсон хабари,
Ҳайвондан фарқи йўқ, Аз-Замахшарий.

* * *

Бирор мамлакатда қўпса гар вабо,
Сиёсий ишида демак бор хато.
Ҳар жойда бўлмаса интизом, тартиб,
Юрар фуқаролар кўзёшин артиб.
"Кофирдан адолат келса ҳар маҳал,
Художўй золимдан юрт учун афзал".
Сен ислом нурини дилиннга жо қил,
Шоҳ бўлсанг, эл учун ўзни фидо қил.
Ботса эл дилига зулм ханжари,
Халқ исён кўтаргай, Аз-Замахшарий.

* * *

Бу дунёда доим бўлингиз огоҳ,
Карим ва ҳурматли ҳар қандай ҳамроҳ,
Орамиздан кетса билдирмасдан сир,
Эркак киши учун ўлимдан оғир.
Инсонмиз барчани тенг деб билайлик,
Доим кўнглимизни биз кенг қилайлик.
Тенгдир бандалари Аллоҳга бари,
Гадоми ёки шоҳ, Аз-Замахшарий.

* * *

Ёмонга эргашсанг, қаҳри юқади,
Ҳалок айлагувчи заҳри юқади.
Бўлсанг душманлари сафида агар,
Ундан сенга етмас ҳеч захму зарар.
Оғу заҳматидан бўласан халос,
Ёмондан узоқроқ юрмоқлигинг соз.
Тушмагай бошингга хавфу хатари,
Шунда ёмонларнинг, Аз-Замахшарий.

* * *

Аллоҳ-таъолонинг наздида агар,
Бўлса жуфт енгиллик бандага қадар.
Азобу кулфатдан фориғ этгали,
Ғойибдан қисматин ёруғ этгали.
Кимса бу азобга бўлса мубтало,
Унга Насри Тоир иккибора, о,
Яқинроқ бўлади наҳс икки юлдуз,
Бундан ўзга йўқдир таскин учун сўз.
Кўксингга ботмасдан "фалак учари",
Асра имонингни, Аз-Замахшарий.

* * *

Сувда кемаларни юргизиб Аллоҳ,
Фалак юлдузларин тизиб жо-бажо.
Замину осмонга бахш этди ҳаёт,
Унинг измидадир доим коинот.
Билмаймиз, ўйлаймиз хаёл-хоб билан,
Билгувчи яратган не асбоб билан.
Ҳар олим қилмасин қанча тафаккур,
Бўлмагай бўлмаган нарсалар зуҳур.
Ҳайратдан яралган дониш гавҳари
Илм дарёсида, Аз-Замахшарий.

* * *

Тўғри ва ҳақ йўлда ташласа қадам,
Шердан ҳам даҳшатли кўринар одам.

Шу боис ҳақ йўлни ихтиёр айла,
Ўзингни доимо бахтиёр айла.
Доимо интилгил саодат сари,
Ҳақ сенга ёр бўлсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳалолу пок инсон доим хотиржам,
Кўнгли алғов-далғов кимки муттаҳам.
Ким доим айласа зулму ёмонлик,
Оламда топмагай асло омонлик.
Ҳалолу пок инсон ушбу дунёда,
Ризқи кундан-кунга бўлиб зиёда.
Ҳар икки дунёси бўлади обод,
Шу боис юради хотиржаму шод.
Поклик ғоясининг бўлиб раҳбари,
Яшагил оламда, Аз-Замахшарий.

* * *

Сўзланса агарда бўҳтону ёлғон,
Диққат-ла, тинглагай таги паст нодон.
Таралса башарти ҳақнинг каломи,
Гўё эшитмагай уни тамоми.
Ким бўлса фосиқу шайтанатга қул,
Дўзахда куйиб ул, охир бўлар кул.
Етмай ҳар кимсанинг қазо-қадари,
Кирсин ҳақ йўлига, Аз-Замахшарий.

* * *

Сўзласа агарда оға ё ининг,
Диққат-ла эшитгил қўзмасин жининг.
Сабр қил, чидагил, айлагил сукут,
Истайсанми ё йўқ, сўз тугашин кут.
Вақтинг беҳудага кетса ҳам майли,
Тингла биродарлик ҳаққи туфайли.
Бегонамас сенга айтса ўз арзин,
Тинглаб, демак сен ҳам узгайсан қарин.

Кимга ки арз этса ўз биродари,
Дардини тингласин, Аз-Замахшарий.

* * *

Сенга низо қил деб беришса фатво,
Рақибнинг бўлса гар синалган даҳо.
Асло унга қарши қилмагилки жанг,
Боплаб урадурки, ҳолинг бўлар танг.
Билиб ўз қадрини ҳар ёшу қари,
Юрса зиён кўрмас, Аз-Замахшарий.

* * *

Арслон болалари бўлар каму тоқ,
Мушук болалари эса бесаноқ.
Ўрмонда бўлса гар битта бола шер,
Юзлаб мушукчани тутиб олиб ер.
Мушук кўп туғса ҳам ялоқи бари,
Шер битта туғса ҳам шер, Замахшарий

* * *

Одамнинг агарда дили бўлса соф,
Сахию тўғрисўз, урмаса гар доф.
Зоҳиран меҳрибон ҳам ҳалим бўлар,
Кучлию забардаст ҳам салим бўлар.
Мардликдир инсоннинг зару зевари,
Олимлар марди бўл, Аз-Замахшарий!

* * *

Тилингни тийишга топмасанг имкон,
Унда билки ҳолинг бўлади ёмон.
Тизгин жиловини шайтонга бериб,
Юрасан иблисдек қаддингни кериб.
Тилнинг суяги нуқ, бўш қўйма, тишла.
Валдираб гап сотма, ишни қил, ишла.
Бўлмаса инсоннинг илму ҳунари,
Рўзғори бут бўлмас, Аз-Замахшарий.

* * *

Сахийлар ҳар доим саналар азиз,
Ярамас расводур кўзи оч, хасис.
Улар орасида ялқову пасткаш,
Сўзлашсанг доимо дилинг бўлар ғаш.
Қаерга бормагил Туркистонми, Ҳинд,
Ҳамдаминг доимо бўлсин доно ринд.
Тасаввуф илмининг тушса назари,
Сенга пир бўлғуси, Аз-Замахшарий.

* * *

Бир-бирингиз ила дўсту иноқсиз,
Мисоли қўш данак, битта пўчоқсиз.
Ҳолбуки етмаган сизга муҳтожлик,
Ҳасталик, мусибат, қаҳатлик, очлик.
Бўлсангиз энг оғир дамда ҳам ҳамдам,
Сизга раҳматимни ёғдирар эгам.
Кимнингки кўп бўлса дўст-биродари,
У одам бахтлидир, Аз-Замахшарий.

* * *

Эй, ҳийла тadbирда ягона одам,
Бошингда мол-дунё фикри мужассам.
Юритиб сен кучли ўйу тахайюл,
Йиғиб зебу зарни унга бўлдинг қул.
Эвоҳ, омонатин яратган олгай,
Йиққан молинг беванг эрига қолгай.
Емай йиғмоқликнинг кўпдир зарари,
Гар насиб қилмаса, Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлмасанг иффату виқорга соҳиб,
Сени йўлдан урса бирорта роҳиб.
Бир кетса қайтмагай номусинг такрор,
Умрбод бўласан билгил хору зор.
Бўл софу беғубор ҳаёт дилбари,
Сенга бахт тилагай, Аз-Замахшарий.

* * *

Сиймонг гўзаллиги, юзинг чиройи,
Мисоли самонинг чароғон ойн.
Ёруғ кечаларда гўё сочиб нур,
Хаста кўнгулларга бағишлар ҳузур.
Доим бўл севикли диллар қамари,
Сендан баҳра олгай, Аз-Замахшарий.

* * *

Мол-мулкнинг закоти тўланса доим,
Хайру баракот ҳам бергай илоҳим.
Мулки тўлиб-тошиб бермаса закот,
Охири ул одам бўлади касод.
Тўплаб чиритишдир хасис ҳунари,
Унга ҳайфдур калом, Аз-Замахшарий.

* * *

Бир гуруҳ одамлар ҳақдан йироқдир,
Улар даъволари ўчган чироқдир.
Ўзаро беришиб турли-туман тус,
Шайтонга эргашур бир тўп ғаламус.
Айтган сўзлари ҳам ёйибату бўҳтон,
Уларни дўзахга етаклар шайтон.
Муъмин-мусулмоннинг рўзи маҳшари,
Юзи ёруғ бўлар, Аз-Замахшарий.

* * *

Сен учун ким азиз бўлса оламда,
Билинар қайғули, ташвишли дамда.
Гўёки ғам-ғурбат уларга қардош,
Ҳамдамнинг бўлишиб, тўкишар кўз ёш.
Доимо саналур суюк, мукаррам,
Ким қўйса эзгулик йўлида қадам.
Уларга Аллоҳнинг тушиб назари,
Оқибати некдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Ёмон фикр айлаган одам,
Куфри неъмат қилгувчилар ҳам.
Эрур мисли ёввойи қобон,
Ҳақ қаҳридан қутулмас омон.
Кимнинг кори баддур, у билъат,
Аллоҳ асло қилмас мағфират.
Дўзахийдир уларнинг бари,
Ҳақ ҳукми шу, Аз-Замахшарий.

* * *

Кексалик либоси қадингни букмиш,
Кўзингга кексалик қайғуси чўкмиш.
Узоқ яшаш учун йиғиб зару сийм,
Киймоқчи бўласан сен янги кийим.
Фикр қил танингга, эй, ақли расо,
Қисматинг ёзилган аз рўзи қазо.
Шу боис берма кўп ўзингга пардоз,
Охиратни ўйла, барчасидан соз.
Ўткинчи дунёнинг зару зевари —
Азоб гаровидир, Аз-Замахшарий.

* * *

Нам ерга қадалган уруғ бўлмагил,
Намга тушганда ҳам қуруғ бўлмагил.
Мисоли омборда зах босган бугдой,
Ивиб, чириб кетма ҳолинг бўлиб вой.
Қолмасин соябон бошингни тўсиб,
Қуёш қиздирса — чиқ заминдан ўсиб.
Етмаса деҳқонга экин самари,
Экишдан не фойда, Аз-Замахшарий.

* * *

Қайда бўлса низою нифоқ,
Бузилади унда иттифоқ.

Инсон умри ўтади нохуш,
Ҳаёт бўлур бамисоли туш.
Қайғу ҳасрат фақир айлагай,
Элни қийнаб, ҳақир айлагай.
Бўлса қай юрт осойишта тинч,
Бор одамлар қалбида севинч!
Бизга тушсин худо назари,
Тинч бўлайлик, Аз-Замахшарий.

* * *

Савдогарнинг шону шуҳрати,
Унинг топган молу сарвати,
Олимларга обрў-эътибор,
Бўлар қанча кўп ёзса осор.
Замахшарий илмда буюк,
Китоблари қирқ туяга юк.

* * *

Мерос қолган мол-мулкдан мудом,
Йироқ бўлгил, удир сенга дом.
Ташлаб кетган одамнинг оҳи,
Мерос қолган мулкнинг гуноҳи —
Машаққату азоби етгай,
Бил, сендан ҳам у қолиб кетгай.
Тушсин ҳақнинг сенга назари,
Керак эмас ўзга зевари,
Дегай устоз, Аз-Замахшарий,
Билсин буни ҳар ёшу қари.

* * *

Самодан қуш келар, дарёдан балиқ,
Мафтунинг бўлиб, эй, хати настаълиқ.
Хаттот битикларин чизганда ҳар гал,
Гўзал қиз холидан кўринар гўзал.
Бўлмасин гўзал қиз қанча жонфизо,
Эрур гўзал битик ундан дилоро.

Гўзал битикларга тушиб назари,
Унутган қизларни, Аз-Замахшарий.
Олимнинг сўралмас ўтган аждоди,
Эл учун керакдир унинг ижоди.
Эрур ҳар забонда таърифи вирди,
Бўлур жаҳон аҳли унинг шогирди.

* * *

Шариат қонунин ёшликда бузсанг,
Гуноҳ тўлқинида агарда сузсанг.
Сени қутқазгайдир тоат-ибодат,
Тасбеҳу рукудан топгунг саодат.
Бир умр ўтсанг гар оламдан ғофил,
Жаҳаннам охирги манзилингдир, бил.
Келмасдан сўроққа Наҳи-Мункари,
Ҳақ йўлга кир,— дегай, Аз-Замахшарий.

* * *

Гўштан беандоза тановул этди,
Ичини мой босиб ёрилиб кетди.
Овқатни кўп емак одамга иллат,
Кам есанг, изингдан эргашар миллат.
Кўпинча оч юрган ҳақ пайғамбари,
Ундан ибрат ол,— дер, Аз-Замахшарий.

* * *

Рамазон чоғида рўзаман дейсан,
Аммо биродаринг гўштини ейсан.
Ғийбат-да хўрласа бировни инсон,
Бўлар ука гўштин ошагансимон.
Худонинг қаҳридан қўрқсин ҳар муслим,
Ғойибу ҳозирда доим юрсин жим.
Шундай лутф айлаган олам Сарвари,
Уни дуо айлар, Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳотамга мансубдир хайру саховат,
Ҳалиму юмшоқлик, неки хуш одат,
Динлар аро бўлса дини исломдир,
"Нури мунзал" ила тугал-тамомдир.
Илмда ягона Имоми Аъзам,
Абу Ҳанифадир зоти мукаррам.
Нўъмон ибн Собит насл-насаби,
Энг маъруф мазҳабдир унинг мазҳаби.
Ишқи илоҳийдан бўлиб ёқа чок,
Балки ҳақ васлига етгандир у пок.
Изидан эргашган ислом лашкари,
Уни устод билгай Аз-Замахшарий.

* * *

Ғафлатда қолиб гар ақлли одам,
Жим турса маломат этмагил ҳеч ҳам.
Вале, бир ишқал қиб жоҳилу кузур,
Минг бор сўраса ҳам айбига узр.
Агар солиштирсанг, иккисин ҳар гал,
Нодондан барибир ақлли афзал.
Чунки бор фаросат, илм, ҳунари,
Шундоғ лутф айлаган Аз-Замахшарий.

* * *

Курашда енгилса агар мард киши,
Омад юз ўгирса, терс кетса иши.
Бўлса машаққату азобга дучор,
Асло руҳи тушиб бўлмас хору зор.
Юксак мартабаси паст бўлмас доим,
Зимдан уни қўллар демак илоҳим.
Чекин номардлардан, ет манзил сари,
Боргил ҳақ йўлидан,— дер Замахшарий.

* * *

Ҳар уй айвонига қўнолмаса қуш,
Бу ҳолат келмагай яратганга хуш.

У уйга ёмғир ҳам барака бермас,
У уйдан ҳеч кимса ризқ-рўзин термас.
У уй эгаси ҳам яшар мисли қул,
Эркинлик орзуси дилида нуқул.
У жой фақирликка эрур мустаҳиқ,
У жойга кирсанг ҳам, ҳаялламай чиқ.
У уйдан кетгандир файзу барака,
Соҳиби Аллоҳдан сўрасин якка.
Яратган камини қилиб зиёда,
Одамлар сафига қўшар дунёда.
Сахийга айланиб муҳими хасис,
Обрў топиб бўлар эл аро азиз.
Очилиб ногаҳон тилсим махзари,
Башорат айламиш, Аз-Замахшарий.

* * *

Чақмоқ чақиб, ёғса абри навбаҳор,
Ростгўй ваъдасидек эрур хушифор.
Дилида бўлса гар иймон, нур, сафо,
У доим айлагай ваълага вафо.
Бу эрур ҳикматнинг энг муаттари,
Дея лутф айлаган, Аз-Замахшарий.

* * *

Ўтган ҳаётиггни айлаб андеша,
Тазарру қилишни айлагил пеша,
Чунки ажал етиб, тўлса лаймона,
Уни тўхтатолмас хоҳиш-баҳона.
На сен, ҳеч кимсанинг келмас қўлидан,
Кетгайсан абадий фано йўлидан.
Шу боис кетмасдан қилиб ибодат,
Сўрагин ўзингга ҳақдин саодат.
Аллоҳнинг даргоҳи кечиргай, кенгдир,
Барча бандалари унинг-чун тенгдир.
Эҳтимол сенга ҳам тушса назари,
Ҳақ йўлидан қайтма,— дер Замахшарий

* * *

Қайдаки бор бўлса бир кўнгли қора,
Доим ўзгаларни айлар овора.
Ҳар қанча кўшишу ҳаракат қилиб,
Кўнгил қорасини бўлмагай билиб.
Ундан ҳазар қилгил ҳар доим инсон,
Қайдаки қорадил шогирди шайтон.
Улардан доимо юргил дер нари,
Ҳақ сўзини айтгувчи Аз-Замахшарий.

* * *

Қарзи йўқ ҳар одам холису софдир,
Бирор шахс гўзал деб мақталса лофдир.
Бани Одам эмас мақтовга лойиқ,
Буни англамоғи лозим халойиқ.
Худога хос эрур ҳамду санолар,
Буни билиб қўйсин шуҳратгадолар.
Маъно дурларининг будир гавҳари,
Демиш минг йил бурун, Аз-Замахшарий.

* * *

Аввало асрагил дину иймонни,
Ҳурмат қил ҳар битта азиз инсонни.
Номус, шарафингни этсанг мустаҳкам,
Асло бу оламда бўлмагайсан кам.
Қулай деб, бормагил осон йўллардан,
Садоға олмагил нопок қўллардан.
Қанча кўрсанг агар машаққат, азоб,
Бил шунга яраша етади савоб.
Бўл дини исломнинг жонсўз чокари,
Бамисли Жоруллоҳ — Аз-Замахшарий.

* * *

Сахий, мард кўрсатиб баъзилар ўзин,
Алдаб содаларнинг ўяжак кўзин.

Аслида улар хор ҳақиру тубан,
На дард бор уларда, на дин, на Ватан.
Хасислиги билан машҳури олам,
Улар тузоғига тушса мард одам.
Мардликдан воз кечиб номард бўлажак.
Нокас, хасисларга ҳамдард бўлажак.
"Зиёфат бошлади бир тубан одам,
Шаҳар нокаслари бари бўлди жам.
Бир сахий одамни чақирди у ҳам,
То хасис уйига ранжитса қадам.
Сахий деди: "Бўлиб хасис меҳмони.
Оғзимга хуш ёқса гар дастурхони.
Бошқа нокас яна чақирса агар,
Ўшал нафсим мени шаксиз стаклар.
Сахийлар сафидан шундай ўчиб ном,
Хасислар ичида қоларман тамом".
Шундай деб бормади зиёфатга ул,
Ақлли одамга ушбу йўл маъқул.
Тиёлса нафсини гар ёшми-қари,
Ул одам буюкдир,— дер Замахшарий.

* * *

Қаерда бўлса гар ноқису нокас,
Бахт-иқбол уларга бўлар ҳамнафас.
Илм ила фазилат чиқиб сафарга,
Йўлиқди бахтсизлик ғаму кадарга.
Жоҳилу нодонга кулади иқбол,
Олиму фозилга ғами безавол.
Тўрт кунлик дунёдан кечсанг эй инсон,
Мангуга бўлурсан бахт ила комрон.
Ким и бу дунёдан сўраса, худо,
Уни тилагини айлағай бажо.
Сен сўра "баъд аз деб рўзи Маҳшарий",
Гўринг нурга тўлсин, Аз-Замахшарий.

Хайвонни меҳр ила парвариш қилсанг,
 Семириб айлағай аҳволингни танг.
 Буқага айланиб кичкина бузоқ,
 Эгасин сузади семиргани чоқ.
 Ё боқиб хўтикни айласанг эшак,
 Эгасин тепади улғайиб бешак.
 Шу боис хайвонни сийлама зинҳор,
 Ҳаётнинг хўп ажаб қонунлари бор.
 Одам боласи ҳам ўсса эркатоӣ,
 Охири бўлғуси аҳволига вой.
 "Улғайиб бир куни, ошиб тушиб том,
 Кўшнисин қизини айлағай бадном.
 Ё ичиб дўстлар-ла тунлари шароб,
 Отаси ҳолини айлағай хароб.
 * Миршабни қўлига тушса у агар,
 Отадан сўрашар халта-халта зар.
 Фисқу фужурларга айлағай ружу,
 Одаммас, хайвондан бадтар бўлар у".
 Шу боис ёшлиқдан насиҳат керак,
 Одам одам ахир, эмасдир терак.
 Улғайгач на уни кесиб бўлади,
 Фарзанддан на ахир, кечиб бўлади.
 Бешиқдан болага лозимдир таълим,
 Бу калом мағзини чақ эй, муаллим.
 Бўлмасин десанг гар бола дардисар,
 Ёшлиқдан таълим бер, дер Аз-Замахшар.

Бу дунё иборат панду ҳикматдан,
 Гўзаллик, тилсиму нозу неъматдан.
 Ҳийлаю найрангу ғаму қайғудан,
 Фитнаю хаёлу ҳар хил туйғудан,
 Биров шод, бировлар кўзёшига ғарқ,
 Орада бор еру осмончалик фарқ.
 Эй, Дунё яратган илоҳий қудрат,
 Ҳар икки дунёда илтифот кўрсат.

Сен нурсан, мен нурга ташна бир банда,
Ўзинг эт севикли, элга арзанда.
Етиб азизларнинг қутлуғ хабари,
Очди ўз қалбини Аз-Замахшарий.

* * *

Такаббур одамга айласанг даво,
Унда қолдирмагил кибр ила ҳаво.
Бурун тарновидан шайтони лаъин,
Олиб ташланмоғи лозим атайин.
Қай зотки димоғдор бўлса — шарманда,
Одамлар устидан уришгай ханда.
Қутулса кулфатдан бўлар дарддан пок,
Ё этар, кибр ила ўзини ҳалок.
Ҳақиқий инсонда бажойи ғурур,
Бўлса соз ҳалимлик ва олий шуур.
Камтарлик камолга етказар доим,
Ўзинг мададкорим бўлгил, илоҳим.
Руҳ етсин роҳатга совиб пайкари,
Жаннатий шахс бўлсун Аз-Замахшарий.

* * *

Замона зайлидан огоҳ бўл, инсон,
Айлар ал-Ҳаварнақ саройин вайрон.
Гўёки ўргумчак уяси мисол,
Қадимий обида топади завол.
Худони унутиб баъзи басирлар,
Қурар данғиллама юксак қасрлар.
На берар садақа фитиру закот,
На унда бор эрур номусу уёт.
Ҳар нарса бўлса соз меёри билан,
Илм ҳам тирикдир такрори билан.
Башарти бўлса гар илминг фаровон,
Ундан баҳра олгай жумлаи жаҳон.
Аллоҳни ёд этиб шому саҳари,
Касби илм қилгил Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳар ишда ҳозиру нозирдир Аллоҳ,
У сендан огоҳдир, ундан бўл огоҳ,
Одил бўл, айласанг ҳар не тасарруф,
Зулм этмай, бўл доим одилу маъруф.
Худо пешонангга ёзгани бўлгай,
Изми-ла, одамзод туғилиб ўлгай.
Кўксингга урмагил юксалган чоғинг,
Қуласанг, ошмасин оҳу фироғинг.
Самога парвоз эт, ёки ерга кир,
Бари манглайингга битилган тақдир.
Дев йўлдан ургайми ё гўзал пари,
Иймонда собит бўл,— дер Замахшарий.

* * *

Фисқу фасод қилгич бир гуруҳ нодон,
Бир нарсани ҳақ деб айлашар гумон.
Уларнинг ишончи чиқади сароб,
Охиратда бўлар ҳоллари хароб.
Ҳақиқат йўлида ким бўлса софдил,
Худоё, уларни сен мўътабар қил.
Инсонга аввало ҳур Ватан керак,
Саодат ёр бўлган бир чаман керак.
Лайлига Мажнуну булбул учун гул,
Ошиққа садоқат эзгу тахайюл.
Менга нима керак, элим тинч бўлсин,
Армонлар ўрнида бахт севинч бўлсин,
Дерди, тирик бўлса бугун магари,
Замона сарвари — Аз-Замахшарий.

* * *

Тилингдан чиққан ҳар ҳикмат инъоми,
Эшитган одамнинг кўнгил ороми.
Қўлинг олтинларни этса садоға,
Бунчалик завқ бермас қашшоқ гадоға.

Бўлмасин зебу зар қанча чиройлик,
Ундан афзалроқдир маънавий бойлик.
Сўз билан ким этса дилларга таъсир,
Эшитганлар бўлар ул зотга асир.
Донолар доноси, ҳикмат заргари,
Шундоқ сабоқ бермиш Аз-Замахшарий.

* * *

Вақтида ишлатсанг ҳийлаю найранг,
Сендан кучлининг ҳам ҳоли бўлар танг.
Бўлмасин қанчалар душманигда куч,
Тадбиринг олдида уриниши пуч.
Олмасанг қалъани зарб, зила билан,
Уни забт этурсан макр, ҳийла билан.
Йўқса жанг-жадалдан тут ўзни нари,
Илм ол, мисоли Аз-Замахшарий.

* * *

Шер банди бўлгунча силсила билан,
У фақат овланмас бир ҳийла билан.
Гоҳида овланар қазилиб чуқур,
Овчилар кўзида порлагай ҳузур.
Ҳикмат қидирганда доно сарсари,
Бўлар шер тутгандай,— дер Замахшарий.

* * *

Баъзида ортиқлик келтирар зарар,
Бундай ортиқликдан асра, алҳазар.
Масалан бир қўлда олтита бармоқ,
Бўлса гар нуқсондир инсонга мутлоқ.
Худоё, бахш айла на ортиқ, на кам,
Не қилсанг, измингда сенинг бу олам.
Ҳақнинг инояти қазо қадари,—
Деб, бежиз айтмаган, Аз-Замахшарий.

Фатво бергувчидан сўргувчи инсон,
 Донороқ бўлади баъзан бегумон.
 Фикр ҳар бир бошдан чақнаган чақмоқ.
 Гоҳ бўлар калтабин муфтий ҳам аҳмоқ.
 Даҳодир ул одам гадо ё сарвар,
 Қон тўкишдан агар айласа ҳазар.
 Худо ўзи берган, ўзи олади,
 Жаллодлар дўзахий бўлиб қолади.
 Ким берса эзгулик йўлида фатво,
 Уни ўзи асрар яратган худо.
 Оламни забт этиб Румнинг Қайсари,
 Мерос қолдирмади, боқ, Замахшарий.

Баъзи одамлар бор, кўп ғайри одат,
 Қавму қардошларга қилмас саховат.
 Қардоши бўлса ҳам ёрдамга муҳтож,
 Юрса нон тополмай, кўчаларда оч.
 Кўриб-билиб туриб, эвоҳ, баъзилар.
 Бегона шахсларга хайр-эҳсон қилар.
 Туяқуш ташлаб ўз тухумин алҳол,
 Ўзгалар тухумин босгани мисол.
 "Юк кўтар десанг, у дермиш шунқорман,
 Уч десанг, дегаймиш ахир мен норман".
 Ёту бегонага қилмасдан эҳсон,
 Яқин қардошингни ўйла, эй инсон.
 У сенинг таянчинг, мисоли илдиз,
 Узр сўр, ранжитмай, чўкиб унга тиз:
 Узоқ қариндошдан яқин қўшни соз,
 Деган гапларнинг ҳам, билгил, чўғи оз.
 Бор яқин қўшнилар этсам гар изҳор,
 Бўлар ё инъом, ё ёрингга хуштор.
 Қариндош жигарчи бўлганингда хок,
 Сен деб кўзёш тўкар билсанг сийна чок.
 Шу боис дегайлар: "Жигардир — жигар,
 Бегона ўзгалар, дигардир — дигар".

Бу ҳақда беҳуда маъно сарвари,
Қайғуриб ёзмасди, Аз-Замахшарий.

* * *

Қанча одамлар бор, айлар хушомад,
Сенга кулиб боқса, башарти омад.
Лекин эҳтиёт бўл — оғзингни мойлаб,
Ортингдан бир кун тиг санчишар пойлаб.
Улар қулай пайтни кутишиб ҳайҳот,
Бир кун шубҳасиз чиқарар фасод.
Шу боис қолмагил асло ғафлатда,
Мақтаниб ҳар жойда, сотиб сафсата,
Кимга зеҳну идрок берса худойим,
Изидан эргашур шайтонлар доим.
Хор қилиб уларнинг истеъдодини,
Ўзгартиб ҳаттоки эътиқодини.
Осийлик йўлига бошлаб кетишар,
Оқибат уларни расво этишар.
На шайтон, ҳаттоки баъзи бир зотлар,
Ўзидан зўрроқни кўрганда додлар.
Сўнг излар ишидан ҳар турли хато,
Тирноғи тагидан кир излар ҳатто.
Топмаса ҳеч айбин, айтар дангали:
"Шу одам кўринар озроқ шубҳали".
Кейин кўрибсизки, ишингиз расво,
Агар қўлламаса яратган — худо.
Тушмас ёмонларнинг бизга назари,
Аллоҳим ёр бўлса, Аз-Замахшарий.

* * *

Сени ким айласа агар зиёрат,
Уларга ўқиниш доимий одат.
Неча зиёратлар айларки улар,
Арслон товушидек қўрқинч туюлар.
Гулдираб келади ўзин суйдириб,
Рости гап жонингдан сени тўйдириб.

Энди бир ишингга бўлганда машғул,
Яна кириб келар кўтаришиб гул.
Қилса бўлмасмикин ўз ишларини,
Айтса ўзга жойда миш-мишларини.
Сени мақтайвериб, тегиб жонингга,
Зомин бўлишади охир нонингга.
Ортиқча мақтовдан уйғониб кибор,
Охир адоватга бўласан дучор.
Бошингга тушса гар тожнинг хаёли,
Демакки, бошингнинг етмиш заволи.
Таърифинг эшитса кимнинг қулоғи,
Билгилки у сенга бўлади ёғий.
Арзимай, беҳуда мақташса улки,
Элнинг орасида бўласан кулги.
Мақтов Аллоҳга хос, айлабон тоат,
Байтуллоҳ этилгай фақат зиёрат.
Одамчи нима у?— Бир уюм тупроқ,
Ўз бошингга шуни ўйлагин кўпроқ.
Тушсин бизларга ҳам ҳақнинг назари,
Васлига етайлик, Аз-Замахшарий.

* * *

Тил билан кўнгилга етса гар озор,
Қиличнинг захмидан оғирроқ юз бор.
Тил агар етказса дилга жароҳат,
Ўлгунча кетмасдан берар кароҳат.
Баданга санчилган пичоқми ё тиғ,
Жуда нари борса қолдирар чандиқ.
Яхшилаб ишлатсанг тил ҳам бир қурол,
Керак бўлса дори — хуш ёқувчи бол.
Ширин сўз илонни индан чиқарар,
Ёмон сўз қилични қиндан чиқарар.
Фақат тил айлангай қайси даҳонда,
Унинг ихтиёри бўлса нодонда.
Бошига узлуксиз калтак ёғилар,
Дегилки, бажойи чалпак ёғилар.

Зикр этса ҳар неки доно, соҳибдил,
Ички дунёсини ифшо айлар тил.
Аллоҳ каломидан тил сўзласа гар,
Ўткирдир мисоли кесгувчи ханжар.
Одамлар қалбига чироқ, ёқар ул,
Унинг нафасидан гунча бўлар гул.
Минг йиллар бурунроқ қадимий аждод,
Ушбу фалсафани айлаган ижод.
Тилингдан сочилсин сўзлар гуҳари,
Дер улуғ нуктадон, Аз-Замахшарий.

* * *

Бордир турли-туман дилрабо калом,
Эшитса одамлар бўлгай унга ром.
Уларни рад айла, этмагил қабул,
Аллоҳнинг наздида улар номақбул.
Уни айтгувчи ҳам эмас хушқарам,
Уни тинглаган ҳам бўлади мулзам.
Аллоҳга ҳар неки ёқмаса агар,
Бани Одам учун у кони зарар.
У сўзки қолдирар кишини қойил,
Шайтоний ҳисларга айлагай мойил.
Ёшларни бошлагай нотўғри йўлга,
Улар мойил бўлар ўнгамас сўлга.
Хавfli сўз ёғдирган балою кадар,
Дўзах балосидан бўлади бадтар.
"Унзурно" сўзи бор улуғ китобда,
Мушриклар "роино" деган хитобда.
"Енгилтак бўлайлик" деган маъно бу,
Мушриклар ғайри ҳақ айлагай ружу.
Сўз инсон онгини уйғотар омил,
Сўз ҳаёт беролар, бўлолар қотил.
Шу боис сўз билан яратиб гулшан,
Дейлик, обод бўлсин кундан-кун Ватан.
Сўз эрур самонинг шамсу қамари,
Ундан баҳра ол,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Сўз борки, бошлагай жангу жадалга,
Сўз борки, мубтало айлар гўзалга.
Сўз борки, солади сени азобга,
Ҳатто айлантирар бағринг кабобга.
Билиб қўйки, шундай хавfli сўзлар бор,
Сени ҳар балога этар гирифтор.
Аввал юз балога қилиб мубтало,
Кейин қайтаради тўғри йўлга, о!
Шу боис сўзлашдан олдин ҳар одам,
Бир ўйлаб кўрса, у ҳеч бўлмагай кам.
Бекорга айтмаган Шарқ донишвари,
Сўздан дурлар тиз,— деб Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳийла, риё билан солибон уввос,
Ё намоз ўқиса, чиқариб овоз.
Агар чин кўнгилдан бўлмаса хитоб,
Бу икки ҳолатдан етмагай савоб.
Худонинг йўлида умидвор банда,
Токи ризқу рўзи бўлгунча канда.
Нияту амали доим бир бўлсин,
Бири шогирд бўлса, бири пир бўлсин.
Ҳидоят йўлида ёшми у қари,
Тенг дегай худога,— Аз-Замахшарий.

* * *

Арслон ўз инида наъра уриши,
Ҳайвонлар подшоҳи янглиғ туриши.
Менга зиёратга келгандан қатор,
Унинг ўкириши авлодир юз бор.
Бўлса ким оламда ярамас, шилқим,
Унга тегишлидир бу айтган гапим.
Қалби кенг одамга лекин тенг бари,
Илму амал дегай Аз-Замахшарий.

* * *

Заминнинг кўркимас юксак қасрлар,
Тарихдан сўзлагай юзлаб асрлар.
Гарчи унча пўрим бўлмагай бўрки,
Олиму фозилдир заминнинг кўрки.
Бамисли самони кеча-кундузлар,
Ўритгай ой-қуёш бирла юлдузлар.
Донишманд бўлмаса замин кул бўлар,
Инсонлар ҳур эмас, мутеъ кул бўлар.
Юлдуз ойу қуёш сочмаса ёғду,
Жаҳон бўлган каби мангу қоронғу.
Бўлгай бу коинот зевар, мукамал,
То тангри этгунча масалани ҳал.
Фано китобидур — ҳақнинг асари,
Уни ўқиш лозим,—дер Замахшарий.

* * *

Муҳаммад пайғамбар йўли — йўлимдир,
Ундан ўзгалари — менга ўлимдир.
Бу йўл — ҳам бахтимдир ҳам саодатим,
Бу йўлда юрмоқлик эрур одатим.
Билмайман қанчалар кечар ҳаётим,
Лекин, шу йўлдадир менинг нажотим.
Руҳ қуши учса-ю вужуд хок бўлса,
Инсон гуноҳлардан нурдай пок бўлса.
Бўлар пайғамбарга муносиб уммат,
Икки жаҳон унга мингдан-минг раҳмат.
Аллоҳнинг охирги ҳақ пайғамбари,
Шафоат айла,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Яманда бир қишлоқ номидир Сулуқ,
Улар фақат итга қилишар қуллуқ.
Сабаб — този итлар қилишиб шинкор,
Улар шу туфайли тебратар рўзгор.

Този итларичи жуда ялоқи,
Ҳар ён югураркан ҳид сезган чоғи.
Бозорда юргувчи бир тўп чайқовчи,
Олиб-сотарлар бор мисоли овчи —
Яъни тозиларки ҳар ён югургай,
Ови юришмаса, билки, қутургай.
Ҳар лаҳза бозорга борганинг заҳот,
Қутурган итлардан бўлгил эҳтиёт.
Ўраб атрофингни мисли ялоқи,
Молин ўтказмасин бир тўп шаллоқи.
Ҳар давру замону бордир ҳар жойда,
Улар кўзлагани, доимо, фойда.
Сенга етмасидан чўнтак зарари,
Бундан жўнаб қолгин,— Аз-Замахшарий.

* * *

Ловуллаб ёнганда ҳар маҳал олов,
Одамлар сув сепиб ўчирар дарров.
Чикса нодонларнинг оташ фиғони,
Ўгит-ла ўчирар донолар они.
Оташу нодонда бўлмагай ақл,
Шу боис уларнинг чорасини қил.
Кўп ҳам яқин борма оловга сари,
Узоқдан ўчир дер Аз-Замахшарий.

* * *

Тирикларга айласанг эҳсон,
Ўлганингда асқотар инсон.
Зое кетмас ҳеч бир садоға,
Инъом этсанг фақир, гадоға.
Гарчи манглай шўрига бергил,
Ҳолдан тойган бўрига бергил.
Келганида қиёмат қойим,
Ажри бўлар ўзингга доим.
Қилсанг хайру садақа агар,
Сени дўзах ўтидан асрар.

Ҳеч кимсанинг етмас зарари,
Сахийга,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Англа бўлиб хаёлотга ғарқ,
Иккисида бордир катта фарқ.
Бири улуг саналган пирдан,
Бирининг йўқ фарқи сигирдан.
Фулон имом Боқир сингари,
Бўлмоқ бахт,— дер, Аз-Замахшарий.

* * *

Хасис таомини еган аввало,
Юрак оғриғига бўлар мубтало.
У касални кўрса қайси бир фақир,
Боши оғрир унинг касридан ҳақир.
Агар юрай десанг — доим соғ-омон,
Хасис таомини ема ҳеч қачон.
Сахийлик йўлидан чиқиб ташқари,
Қўшилма хасисга,— дер, Замахшарий.

* * *

Сотиб ол ўзингга не бўлса зарур,
Бу эрур эркакка мурувват, сурур.
Эркаклик қудратин айлаш намойиш,
Етказмас бировдан таънаю койиш.
Бировдан сўрасанг зарур нарсани,
Балки асқотмагай унинг бергани.
Инсон табиати эрур турфа хил,
Не лозим беҳуда бўлмоқлик хижил.
Кўриб, сотиб олсанг агарда ҳар бор,
Бўлади доимо сен учун даркор.
Бу гапни айтганда, Чин савдогари,
Фикрин қувватлади, Аз-Замахшарий.

Қаерда ногаҳон сув бұлса пайдо,
 Аввал ирмоқ бұлар, сўнг тошқин дарё.
 Сув турмас бир жойда ранги сарғариб,
 Дарҳол манзилини кетар ахтариб.
 Сув оқар тепадан пастликка қараб,
 Табиат қонуни қилмангиз ажаб.
 Шу янглиғ шариат қонуни ҳам бор,
 Унда Расулulloҳ сўзи устувор.
 Муҳаммад пайғамбар берган таълимот,
 Беш маҳал намозу ҳаж, рўза, закот.
 Ҳам имон келтириб ҳар бир мусулмон,
 Бўлар икки дунё масъуду комрон.
 Пайғамбар суннати, вожибию фарз,
 Ҳар аҳли исломга доим эрур қарз.
 Аллоҳим ёлғизу, ҳақ пайғамбари,
 Деган уламодир — Аз-Замахшарий.

Ким қўйса таомга ортиқча ружуъ,
 Ҳайвоний хислатга молик эрур у.
 Фаросат бўлмаса, бўлмаса ахлоқ,
 Одати бўлади доим кавшанмоқ.
 Овқатни кўп ейиш одамга зарар,
 Юракни ёғ босиб, молдай семирар.
 Сўнг пайдо бўлади турли хил оғриқ,
 Одам мол эмас-ки, сўйсанг тортиб тиг.
 Кўп егани бўлиб бошларга бало,
 Кейин табиблардан излайди даво.
 Пурхўрга ҳеч табиб тополмас дармон,
 Ягона давоси кам егил, инсон.
 Бўлса ҳам неъматнинг ширин-шакари,
 Бўкиб ема,— деган Аз-Замахшарий.

Ким бўлса ёқимли, доно, суҳандон,
 Кўринмай қолса гар соғинар инсон.

Унинг суҳбатига бўлишар хумор,
Ҳар кимнинг оламда, демак, ўрни бор.
Башарти кўринса бўлишиб хурсанд,
Ундан диққат билан эшитишар панд.
Кимнинг дақойиқдан бўлса хабари,
Уни устоз билган Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳақни ноҳақликка кўндириб бўлмас,
Ҳақиқат чироғин сўндириб бўлмас.
Ким тўса олади нури офтобни,
Ким дарё этолгай чўлда саробни.
Бўлмаган ишни ҳеч бўлдириб бўлмас,
Тўлмаса паймона тўлдириб бўлмас.
Юлдузни дур каби тера олар ким,
Узиб севганига бера олар ким?
Ким ойнинг доғини кеткиза олгай,
Ким ойга қўлини еткиза олгай?
Бўлса ҳамки сенда олам ҳунари,
Камтарликда ўтгин, Аз-Замахшарий.

* * *

Бир доно ўтгандир қадимда Саҳбон,
Ундан ёдгор қолган фарзанди Ажлон.
Ота садаф бўлса, фарзанд мисли дур,
Табиат қонуни, ҳа, шундоқ эрур.
Баққолнинг боласи бўлади баққол,
Кўса кексайса ҳам бўлар бесақол.
Кам бўлар улуғлар фарзанди азиз,
Отага муносиб ҳам сўзи лазиз.
Ерга тушмагандек кўкнинг ховари,
Инсон кўкка чиқмас,— дер Замахшарий.

* * *

Сенга қилган бўлса кимки яхшилик,
Кўргузгил унга ҳам доим хушқилиқ.

Жавзо ситораси ботгани маҳал,
Шиъара юлдузи порлаши гўзал.
Ситоралар олар бир-биридан нур,
Ҳар инсон оламда бир ситорадур.
Гўзаллар аталур баъзан ойпари,
Бу шеърий ташбеҳдур,— дер Замахшарий.

* * *

Катта гуноҳ эрур дини исломда,
Иккита "шин" ҳарфи ҳар бир маромда.
Яъни ҳоқимларга бермоқлик пора,
Олиш ҳам, бериш ҳам айб икки бора.
Пайғамбар дегандир, "Лаъна Аллоҳу,
Ал-роший вал-мурташий" катта гуноҳ у.
Бу яъни олгану чўзганга лаънат,
"Шин" ҳарфи порахўр дегани ришват.
Порадан бўлмаса кимнинг ҳазари,
У айбдор саналур,— дер Замахшарий.

* * *

Ой нурин ғанимат билиб қиморбоз,
Ёруғда ўйнагай қимор сарфароз.
Тунлари ҳикоят тингловчи одам,
Уйқуни хаёлга келтирмас ҳеч ҳам.
Қимору қисса ҳам тунда мароқли,
Билар бу ишларга ким иштиёқли.
Бири кони зарар, бири хуш иқлим,
Қўлингдан келса гар доим ол билим.
Ғафлатда ётмасдан уйғот саҳари,
Тонгнинг файзи ўзга,— дер Замахшарий.

* * *

Ёзилган китобнинг нусхаси чоғлиқ,
Уни кўчиргувчи хаттотга боғлиқ.
Қанчалар ишончли бўлса ривоят,
Сувдан ҳам ортиқроқ қондирар ғоят —

Маънавий ташналик, иштиёқингни,
Доим ол китобдан ўз сабоғингни.
"Ёлғизлик кунжида доим ғамгусор,
Китобдан оламда бўлмас яхши ёр".
Тўкилиб китобга нури назари,
Тинмай билим олди, Аз-Замахшарий.

* * *

Саёҳат айлабон баланд тоғларда,
Чарчасанг чўзилиб кўк ўтлоқларда.
Гоҳ ошсанг саҳрою, гоҳида денгиз,
Азизим, оҳ, бунинг лаззати тенгсиз.
Уйда ўтиргандан оч бўлиб гирён,
Сафарга чиққани яхши ҳар инсон.
Бир жойда турмагай само қамари,
Доим йўлда бўл,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Кечикиб берилган хайр ила эҳсон,
Бўғувчи занжирдек қаттиқ беомон.
Шу боис кўргузиб лутфу марҳамат,
Вақтида айлагил хайру саховат.
Шу йўлда этгум деб хайру садоға,
Зиёнинг етмасин ризқи гадоға.
Гадолар нонин еб бўлмагил подшо,
Улар ҳисобидан яшама асло.
Макру фириб билан тўплаб жамғарма,
Қишда ҳам бермасанг агар қор — тарма.
Фақирлар муҳтожу сен юрсанг отлиқ,
Бошингга ёғилар таъналардан тиғ.
Баайни учрагай, бизнинг замонда,
Баъзилар юришар оппоқ пайтонда.
Бандаси ожизу билгувчи Раҳмон,
Имонсизни йўлдан оздирган шайтон.
Бордир ҳар даврнинг ўз ҳийлагари,
Ундан эҳтиёт бўл,— дер Замахшарий.

* * *

Оламда кўп эрур ҳунарманд, косиб,
Лекин кам касбига доим муносиб.
Уста кўп, қўлида ҳунари йўқдир,
Қилгани миҳ қоқиш, иши тўқ-тўқдир.
Тириклик одамни этганда мажбур,
Ўтирмас ҳеч маҳал айлаб тафаккур.
Бордир илму фанда ҳатто косиблар,
Ўзининг ўрнига номуносиблар.
Камдир ҳар соҳанинг зўри, заргари,
Ким бўлма, зўр бўл,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Ким бермай ҳаётда бўлса гар хасис,
Бериб миннат қилса кимки шубҳасиз.
Аллоҳнинг наздида бирдир қилмоғи,
Мисли бир дарахтнинг икки бутоғи.
Хасиску ўлса ҳам қилмагай эҳсон,
Бердингми, айлама миннат, эй инсон.
Чин дилдан айласанг хайру саховат,
Сенга шафёъ бўлар рўзи қиёмат.
Китоблари қолди мерос гавҳари,
Бойлик тўпламади, Аз-Замахшарий.

* * *

Зиммангда бўлса гар ҳар нарсаки фарз,
Сен уни бурч деб бил бамисоли қарз.
Бу ҳолат қалбингга роҳат бағишлар,
Не қилсанг, ҳар доим юришар ишлар.
Обрўю шарафинг бўлиб зиёда,
Ўрнингни топасан ёруғ дунёда.
Кимнинг бу маънодан бўлса хабари,
У ғофил эмас,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Жаҳонда сен шундай ташлаки қадам,
Оёғинг остида қолсин бу олам.
Бу фано дунёни олма бир тинга,
Доим амал қилгил ихлос-ла динга.
Барча махлуқотдан бўларсан устун,
Яратган қўллагай имонинг учун.
Синов майдонидир даҳр сарсари,
Унга меҳр қўйма,— дер Замахшарий.

* * *

Аллоҳ ато этган не неъматки бор,
Қудрат ҳолвасидан ширин хушговор.
Аммо ғазабига бўлсанг гар маҳкум,
Миннат чоғи аччиқ мисоли заққум.
Эй инсон, доимо шукрона этгил,
Етсанг ҳам неъматни Аллоҳга етгил.
Ўйлагил не кечгай Рўзи маҳшари,
Худо бандам десин, Аз-Замахшарий.

* * *

Ким ҳамду санога бўлмайд сазовор,
Мақтов талаб қилса йўқдир унда ор.
Телба киши қилар бу хил илтимос,
Мақтов, ҳамду сано яратганга хос.
Мақтовдан тўймаган ҳеч кимнинг қорни
Доим айтиш керак амалда борни.
Лутф учун айтилган калом шакари,
Бундан мустаснодир, Аз-Замахшарий.

* * *

Тавба қилса киши агар ёқа чок,
Онадан туғилган каби бўлар пок.
Дилида уйғонса иймон, ихлоси,
Аллоҳнинг наздида бўлмагай осий.

Худоё мени ҳам гуноҳдан пок қил,
Этгил охиратда васлингга восил.
"Гуноҳкорман хатолар ўлди содир,
Набиуллоҳ нетай, не қилгум охир?"
Тавбаю тазарру иймон зевари,
Дер Аллоҳ қўшниси — Аз-Замахшарий.

* * *

Араблар мисоли мустаҳкам ёғоч,
Ҳам кучли, довюрак сўрагайлар бож.
Новдадек эгилар ажамликлар бўш,
Улар ғаним учун доим парча гўш.
Юмшоғу валекин илмга мойил,
Жаҳон аҳлин этган илми-ла қойил.
Гап борки "Арабий кесгир табардур,
Забони форсийчи — шеърү шакардур,
Туркларнинг тиличи касбу ҳунардур",
Бу ушов доимо бирга зевардур.
Бор бўлсин туркларнинг илму ҳунари,
Илмдан зўр куч йўқ, Аз-Замахшарий.

* * *

Тишингни тозалаб урганда мисвок,
Оғзинг бадбўйликдан доим бўлар пок.
Кошки булғамасанг оғзингни такрор,
Ёлғону ғийбатни айлабон изҳор,
Оғиздан ҳар доим чиқсин "бисмилло",
Шунда сени доим ёрлақар Аллоҳ.
Шу хилдир сўфийлик нуқта назари,
Улуғ машойихдир Аз-Замахшарий.

* * *

Сенга кўп қилишди таъна-маломат,
Кетди ҳаётингдан ҳузур-ҳаловат.
Сен ғафлат хобида мудраган жойда,
Ваъзу насиҳатдан ахир не фойда?

Аввал ухлаганни уйғотиш даркор,
Сўнг панду насиҳат унга қилар кор.
Ҳа, дея бировга ақл ўргатиш,
Оламда энг расво аҳмоқона иш.
Ақл сабзи эмас, еб ҳам бўлмайди,
Мен фақат оқилман деб ҳам бўлмайди.
Оламда бўлмаса аҳмоқ ва нодон,
Донолар топмасди қадр ҳеч қачон.
Илмдан бўлмаса кимнинг хабари,
Ўша нодон,— деган Аз-Замахшарий.

* * *

Илмли бўлмоқлик ғоят оғир иш,
Гўёки энг юксак чўққига чиқиш.
Лекин тушиш йўли бўлади осон,
Буни тушунар ҳар донишманд инсон.
Жоҳилу нодонлик мисли ботқоқдир,
Ким тушса тортгани қаттиқ қийноқдир.
Азоб-уқубатга бўлар гирифтор,
Ундан қайтиб чиқиш жуда ҳам душвор.
Нодонлик чоҳига тушмай шу сабаб,
Изла доноларнинг йўлидан матлаб.
Бўлмаса одамнинг илму ҳунари,
Эшакдан фарқи йўқ,— дер Замахшарий.

* * *

Сидқу эътиқоддан бўлмаса агар,
Ҳар қандай эзгу иш бермагай самар.
Беҳуда уринсанг қанчалар хароб,
Бўлар қилган ишинг мисоли сароб.
Тасаввур айлаки, ёнмасанг нуқул,
Бўлар қилмишингни натижаси кул.
Ҳар ишда сидқ ила эътиқод даркор,
Сенга худо шунда бўлар мадакор.
Истасанг, мисингни тилло қилурсан,
Истасанг, нодонни мулло қилурсан.

Ҳар доим айласанг сидқ ила ихлос,
Ишинг ҳам доимо бўлар шунга мос.
"Сидқу эътиқоддан бир содда одам,
Заминда хазина излагани дам.
Бир кетмон урмайин, чекмасдан кўп ранж,
Олдидан чиқади у излаган ганж".
Бу шоир тўқиган гўзал ривоят,
Эътиқод ҳақида оддий ҳикоят.
Бордир сўз садафин пинҳон гавҳари,
Устози аввалдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Илмли бўлмоқлик ўқишу ёзиш,
Гўё қалам билан қудуқлар қозиш.
Ҳамда толибларга сабоқ бермоқлик,
Илм гулзоридан маъно термоқлик.
Агар бўлса олим доною хушхат,
У юксак камолот эгаси албат.
Бадхатнинг бўлмагай асло саводи,
Хунук ёзмоқлиги бунинг исботи.
Чиройли хат битмак дониш зевари,
Офарин фикрингга, Аз-Замахшарий.

* * *

Касодга учрашдан ким қилса огоҳ,
Доим бўл сен ундоқ, зотларга ҳамроҳ.
Ҳурматин бажо эт кўргузиб карам,
Ундоқ зот ҳам доим бўлгай муҳтарам.
Ким берса ёлғондан таскин-тасалли,
Ишинг инқирозга тушган маҳали.
Сен ундай шахслардан бўлмай вақти чоғ,
Иложин тополсанг ўзни тут узоқ.
Ҳар ёлғон юпанчдан аччиқ ҳақиқат,
Билиб қўй афзалдир абадул-абад!
Ёлғон ширинидан ҳақнинг заҳари,
Авлодур,— дегандир, Аз-Замахшарий.

* * *

Хайрли ишларга астойдил кириш,
Пайсалга солмасдан ҳам доим тириш.
Кейин қиларман,— деб орқага сурма,
Ўзингни беҳуда ҳар томон урма.
Сидқу идрок ила иш тут доимо,
Шошма-шошарлик-ла хом қилма асло.
Шайтон йўлдан уриб қилса гар хароб,
Барча қилган ишинг бўлади сароб.
"Арзимас ишларга уринма ҳеч ҳам,
Жаҳонда бир иш қил лекин мустаҳкам".
Ҳар эзгу иш учун ёзилар савоб,
Шукрона билан бер доимо жавоб.
Ким қилса ҳар ишни ўзига қилгай,
Бандаси билмаса яратган билгай.
Ҳеч қачон бўлмагин нокас, жангари,
Камтарин бўл,— деган Аз-Замахшарий.

* * *

Агар қайда бўлса макр ила риё,
Бўлмагай у жойда файз ила зиё.
Ҳар доим ўзингни тортгил риёдан,
Баҳравар бўлурсан шунда зиёдан.
Риёни дегилким қоп-қоронғу тун,
Зиё — офтоб порлаб, чарақлаган кун.
Риёдан ҳар кимнинг келса ҳазари,
Зиёга стар дер,— Аз-Замахшарий.

* * *

Ичса агар ёлғончи қасам,
Хайр иши ҳам топади барҳам.
Ёлғончи юз ичсин қасамин,
Билган одам асло демас чин,
Шу боисдан айтса ким ёлғон,
Доим турар ичида шайтон.

Ёлгон сўзнинг кўпдир зарари,
Ростгўй бўл,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлса дин ҳақида қайда машварат,
Комил эътимод-ла диққатинг қарат.
Авалло айлагил дилдан эътиқод,
Сўнг фикҳ илмини тугал айла ёд.
Ислом таълимига бўлсанг гар толиб.
Жаҳон майдонида бўласан голиб,
Дуо ёдлаб олиб баъзи бир зотлар,
Қилмас ибодату бермас закотлар.
Борар домла янглиғ маросимларга,
Улар ҳам керакдир аллакимларга.
Илму амал қилсин ҳар ёшу қари,
Дин эрмак эмас,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Сизни кўриб фақат қувонар кўзим,
Сизга бахшидадир энг гўзал сўзим.
Бу дунё қалбига сиғмагай, ҳайҳот,
Ошиқ маъшуқасин кўрмаса юз дод.
Висолга етганда бахтли беқиёс,
Ҳижронда оҳ уриб дегай: "алғиёс".
Кўзимга нур берган илоҳий хилқат,
Сенга шукру сипос, ҳазорон раҳмат.
Кўксига ботгунча ажал ханжари,
Ҳамду сано айтур, Аз-Замахшарий.

* * *

Тижоратдан кўрсанг, алданиб, зиён,
Беҳуда ўртанма қайғуриб нодон.
Шундоқ азобларни кўргайсан ҳали,
Ҳушёр бўл оламдан кетар маҳали.
На мадад беролар тангаю тилло,
На биров жонингга киролар оро.

Шу боис арзимас дунё матоси,
Уни деб қайгурмоқ инсон хатоси.
Худога солу, қил, доимо шукур,
Басдир жамолидан сенга етса нур.
Бўлгил ҳақ йўлининг хоки, камтари,
Сендан ибрат олсин Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлса сирларингдан душманинг огоҳ,
Бир чора кўрмасанг сўнг чекасан оҳ.
Сенга қиммат тушар, кадарли бўлар,
Илон чаққандан ҳам зарарли бўлар.
Сирингни яширсанг,— дер Замахшарий.
— Етмас душманингни сенга зарари.

* * *

Уруғни ҳам, пўчоқни ҳам,
Муҳаббату фироқни ҳам,
Орзулару муродни ҳам,
Замзам ила фуротни ҳам,
Бу оламда не бўлса жам,
Яратгандир барин эгам.
Минг офарин, минг шукрона,
Бўлсин унга жовидона.
Интиламиз ҳаққа сари
"Лаббайк"— дея, Замахшарий.

* * *

Уловинг бўлса гар учқуру йўрға,
Ёинки имиллаб йўл босса зўрға.
Барибир лозимдир қамчию юган,
Бехато манзилга етай десанг сан.
Қамчини кўрганда тулпорнинг нари,
Ипакдай юмшар,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Арабу Ажамнинг фарқи баҳоли,
Бўлар ёш хурмою пўчоқ мисоли.
Араблар хурмодек гўё хуш дудоқ,
Ажамлар бемаза мисоли пўчоқ.
Бу тимсол ҳеч кимга тегмасин мутлоқ,
Қарға ўз боласин доим дегай оқ.
Тузган бу мақолни сўз найрангари,
Бани Одам бирдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Деҳқончилик қилиб кимки экса дон,
Ё экса мевали дарахтлар боғбон.
Халқига етказиб берса ноз-несмат,
Хайрли иш билан тенгдир бу меҳнат.
Ислон оламида дер ёшу қари,
Илмнинг деҳқони Аз-Замахшарий.

* * *

Заминда яшагай икки хил одам,
Бирови ярамас, бири хушқарам.
Нурли Мадинада яшаган Гувайс,
Эди шумлик ила машҳур битта наҳс.
Оламда бўлса не ёмонликлар жам,
Шу расво одамда эди мужассам.
Эди буюк инсон ҳазрати Товус,
Мингинчи шогирди эди Кайковус.
Муҳаммад пайғамбар издоши аё,
Абу Абдураҳмон фарзанди Кисо.
Оламнинг раҳмати ёғилсин унга,
Бизлар ҳам етайлик у етган кунга.
Тушсин бизларга ҳам ҳақнинг назари,
Камолга етайлик, Аз-Замахшарий.

* * *

Ярамас хасиснинг уйига кирмоқ,
Баайни улуғ зот тишин синдирмоқ.
Этар ҳар иккиси бир хилда хижил,
Эй инсон, не қилсанг пухта ўйлаб қил.
Десангки, бўлмайин асло шарманда,
Бўлгин яратганга севимли банда.
Номини тилингдан қўймагил зинҳор,
Қолганини ўзи биледи Қаҳҳор.
Ҳисоб-китоб бўлар Рўзи маҳшари
Руҳинг хурсанд бўлсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Бу дунёда мол-мулкин зиммангга олиб,
Саодат юз бериб сен келсанг голиб.
Оғир масъулият юклагай санга,
Доим садоқатли бўлгин Ватанга.
Элу юртинг учун бўласан масъул,
Хушдур яратганга бўлсанг агар қул.
Лекин халқнинг таянч пояси эрур,
Ерда подшоҳ худо сояси эрур,
Элинг дуо этса шому саҳари,
Худо ҳам қўллар,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Аллоҳга астойдил қилсанг илтижо,
Айлар тилагингни шубҳасиз бажо!
Ҳеч кимса ноумид қолмас биссавоб,
Бўлар дуолари охир мустажоб.
Худоё қилмагил асло ноумид,
Бўлса не мушкулот сендадир калид.
Етса мангуликнинг улуғ чопари,
Шафоат сўрагай Аз-Замахшарий.

* * *

Ақл-идрок билан иш тутган банда,
Шариат йўлида бўлгай арзанда.
Муроду мақсади бўлади ҳосил,
Истаса ҳар нега бўлади восил.
Асло бундай шахсга етмагай зарар,
Доимо ҳар ишда қозонар зафар.
Сенга ҳам ёр бўлсин идрок зафари,
Офарин донишманд Аз-Замахшарий.

* * *

Гоҳи яқинлашиб донога жоҳил,
Унинг суҳбатидан бўлса соҳибдил.
Бу ҳолдан ҳеч кимга етмагай зарар,
Дегилки кўр қалби бўлар мунаввар.
Суҳо нур сочса гар кўкда милтираб,
Фароҳид Шимолдан келар ярқираб.
Кўкда икки юлдуз яқинлашган дам,
Мисоли заифу ҳам порлаган шам.
Айлар само уйин бирга чароғон,
Лекин нурсизланиб қолмас ҳеч қачон.
Оламда бўлма ким ёш йигитми, чол,
Доно суҳбатидан доим ўрин ол.
Унга яқинлашиб мисли муштарий,
Бўл доим шогирди Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳасан ал-Басрийга ўхшаган фозил,
Ҳажжож золимлардан туғилади бил.
Чунончи шўр денгиз — баҳри бекарон.
Ичида чиққандек дур ила маржон.
Демак бу маънидан олингиз ибрат,
Ёмондан яхшилар чиқишар фақат.
Яхшидан демакки аълолар чиқсин,
Дину юртга фидо донолар чиқсин.

Порласин мен дея минг йилдан нари,
Мисоли Жоруллоҳ Аз-Замахшарий.

* * *

Икки ярамасдан баъзан ногаҳон,
Туғилар Ҳасандек дилрабо ўғлон.
Қон ва эт ичидан чақалоққа қут,
Сизиб чиққанидек сийнлардан сут.
Барча кашфиётлар ўзингга хосдир,
Аллоҳим караминг кўп, беқиёсдир.
Истасанг тупроқдан яратасан зар,
Истасанг зар бўлар илкингда аҳмар.
Қандай яратмоғинг ўзингга аён,
Қайси асбоб билан билмагай инсон.
Нуринг-ла қалбимни мунаввар қилгил,
Юртни неъматинг-ла баҳравар қилгил.
Менга бу оламдан етар хору хас,
Халқимни тўйдириб хурсанд қилсанг бас.
Бақолик мулкида ғарибда шуур,
Тилар дийдорингдан фақат зарра нур.
Етса ҳар кимсанинг қазо-қадари,
Худо раҳмат қилсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Олим Абдумалик фарзанди Қарийб,
Бир умр излади ҳикмат сарғайиб.
Овозаси кетиб етти иқлимга,
Ўзи устоз бўлди минг бир илмга.
Наслу насабида кўп буюк эди,
Асмаи юртида у суюк эди.
Лекин насабимас, фикри даҳоси,
Ақлу донишию илму закоси.
Ҳорун ар-Рашидга айлади вазир,
Улуғ подшоҳ бўлди олимга асир.
Бўлмаса истеъдод ҳам нозик табъинг,
Асло фойда бермас наслу насабинг.

Кимнинг зуреди деб сўрмас ёш қари,
Китобинг ўқиган, Аз-Замахшарий.

* * *

Эзгулик одамни шод-хуррам этар,
Ёвузлик дучори дарду ғам этар.
Шу боис эзгулик айласанг шодсан,
Ёвузлик айласанг ғамдан барбодсан.
Эй худо кўнгил бер ҳалим ва илиқ,
Доимо қилайин элга яхшилиқ.
Есин мендан калтак ёвуз ва ғаддор,
Агар бўлса қайда йўлимда дучор.
Ёвуз бамисоли талагувчи ит,
Унга яқинлашиб бўлмас эй, йигит.
Нон ташлаб навозиш айласанг агар,
Думин қисиб яна йўлидан кетар.
Бўлмаса оламда илму ҳунари,
Қийин ул одамга Аз-Замахшарий.

* * *

Қадимдан бор эрур шундай ривоят,
Зиёд ўғиллари закийдир ғоят.
Улар етти нафар, еттита шоир,
Шеър билан оламни снғмоққа қодир.
Уларга тенг келмас бирор сухандон,
Улар шоирликда машҳури жаҳон.
Сўз ўйнар уларнинг зўр қаламида,
Ғазал, қасидалар битган дамида.
Сўзидан гавҳару дурлар сочилиб,
Тингласанг қолади оғзинг очилиб.
Бироқ улардан ҳам донолар бисёр,
Шариат илмига улар дахлдор.
Шариат аҳкомин айлашиб таҳлил,
Худо илми билан бўлишган фозил.
Илоҳий илмлар "Қуръон" анвори,
Уларни кўтарар доим юқори.

Тўрт кунлик дунёда завқ берса шоир,
Мангу бахт бермакка бу зотлар қодир.
Уларнинг биридир Имом Бухорий,
Илоҳий илмда дарёдек жорий.
Умрин дин илмига айлаган пайванд,
Ундан кейин келар улуғ Нақшбанд.
Кейин "Пири Ҳирот" улуғ Ансорий,
Сўнгра улуғ валий Хўжа Аҳрорий.
Сўнг унинг шогирди ҳазрати Жомий,
Фиқҳда мўътабар саналар номи:
"Тафсирда демишки илм сарвари,
Жоруллоҳ лақабли аз-Замахшарий".

* * *

Қадимда ким бўлса оқилу доно,
Вазнига баробар олгандир тилло.
Ўтиб аста-секин давру замонлар,
Оламда кўпайиб фосиқ нодонлар.
Кетиб олимларнинг обрўи тугал,
Ов итлари бўлган улардан афзал.
Ёки олмахону тасқара маймун,
Улардан яхшироқ кўришгандир кун.
Одамларни қилиб ҳар жойда кулги,
Юрган одамсимон бойвачча тулки.
Олиму фозиллар топмагач эъзоз,
Фанга аста-секин тушган инқироз.
Бўлса ҳам илгида кўпнинг тақдири,
Ёрлиқ ёзолмаган баъзи вазири.
Шундай тўхтаб қолиб тараққиёт, фан,
Оламда талончи, қонхўр кўпайган,
Нўҳ қанча қилмасин даъват илтимос,
Барибир ифлослик қилган ҳар ифлос.
Худо қарамаган бу ҳолга бефарқ,
Нўҳ қавмин барини сувга этган ғарқ.
Мусою Исою ўтгандир Юсуф,
Кўргузиб мўъжиза лутфу такаллуф.

Охири яралиб оламга сарвар,
Муҳаммад охирги улуғ пайғамбар,
Дини ислом билан бўлиб дилобод,
Ҳақнинг каломини айлагаймиз ёд.
Ғоят улуғ ишдир тафсири шаръий,
Савобга фарқ бўлган Аз-Замахшарий.

* * *

Бировни таҳқирлаб айласанг итоб,
Асло ёзиб юрма устидан китоб.
Ғазаб келганида айтилган калом,
Билки, бир умрга этади бадном.
Шу боис илгинга олганда қалам,
Барча ўй-фикрингни айла мужассам.
Ойнадан ёришиб келса тафаккур,
Кейин қоғоз узра қаламингни ур.
Ҳар неки ёзарсан, ёз диққат билан,
Далилу бурҳону ҳам хушхат билан.
Ёзгилки, тушганда биров назари,
Десин унга устоз Аз-Замахшарий.

* * *

Мард ва сахий киши булутни ҳатто
Ёғдирар эпласа ерга бехато.
Бўлса аямагай ўз чақмоғини,
Доимо улуғлар юрт тупроғини.
Эй худо, айласанг, сахий мард айла,
Бўлмаса, инсонни гарду гард айла.
Хок бўлмай инсоннинг жисму пайкари,
Эзгулик қилсин дер,— Аз-Замахшарий.

* * *

Сенга ибрат бўлсин, билки фалони,
Бўлди охиратда моли талони.
Аввал эл бошига эди у вазир,
Мол-мулки таланди олиниб асир.

Гуноҳ қилган эди зиндонга тушди,
Айби исботланди қопқонга тушди.
Доим жазоланар юрт ғоратгари,
Охири вой дегай,— Аз-Замахшарий.

* * *

Оламдан ўтади ҳар тирик инсон,
Гадоми ё юртни боқувчи султон.
Шу боис доимо айласа савоб,
Бўлар охиратда энг яхши жавоб.
Омонат дунёда ўтаркан киши,
Энг буюк бахт эрур ҳақни севиши.
Инсоний ғурур деб кетмайлик хато,
Шайтоний хислатдан асрасин худо.
Бўлайлик камтарин заминни босиб,
Замин ютмасидан унга муносиб.
Яшар шу ғояла бани башари,
Ўзи инсоф берсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Бордир турли-туман йўналиш, мазҳаб,
Далил-исбот билан бўлмас тўғрилаб.
Чунончи у хилда мазҳабу равиш,
Азалдан нотўғри эгри йўналиш.
Шу боис талашмай мазҳабу мақом,
Ҳар ким ҳақ лутфини этсин эҳтиром.
Имоми Аъзамнинг мазҳаби шаръий,
Гўри нурга тўлсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Бу олам азалдан яралган ножўр,
Кутар ўлимнинг ҳар бир меросхўр.
Яқин қардошларинг бўлар гиргиттон,
Меросхўр бўлишни айлашиб гумон.
Агар бўлса сенинг меросхўр ўғлинг,
Умиди узилиб оға ва ининг.

Сен учун астойдил куйдиришмас жон,
Мерос тегмаслиги уларга аён.
Ўғлинг ўлимингни ўйлаган жойда,
Яқин қариндошдан сенга не фойда.
Шу боис ҳушёр бўл, яша иззатда,
Ажалингдан олдин қолма ғафлатда.
"Бу оламдан кетар чоғингда зинҳор,
На ўғлинг, на қизинг келади бакор".
Андоқ сўрагилки яратган худо,
Сени ўз жонингдан этганда жудо.
Буюк марҳаматин дариғ тутмасин,
Чувалчангдек ҳақир замин ютмасин.
Жаҳоннинг бойлиги, зару зевари,
Бўлмас ҳақ лутфича, Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳар бир вазир мисоли қайчи,
Бир томони бўлмаса айт-чи,
Кесоларми бирор матони?
Амри экан улуғ худони
Ҳорун бўлиб Мусога вазир,
Хайрли иш қилган беназир.
Вазирликда демак кўп гап бор,
Билса яхши ҳар вазифадор.
Бу мозийнинг эзгу хабари,
Мангу яшар, Аз-Замахшарий.

* * *

Илму фанда эрур муҳтарам,
Неча оқсоқ, ногирон одам.
Улар қилган буюк кашфиёт,
Бу оламда эрур мўъжизот.
Ривожланиб мажозий билим,
Ҳам илоҳий муқаддас илм.
Хайру сахо йўлида аммо,
Кўп соғлар бор ургандай худо,

Дея асли бу дунё бир кам,
Савоб иш деб қўймаган қадам.
Жаҳон илмин елкада озод,
Бир оёқ-ла кўтарди бир зот.
Минг йилдирки етгай самари,
Нур таратар, Аз-Замахшарий.

* * *

Ўлим қанча мағрур бошларни,
Такаббуру бағри тошларни,
Улоқтирди қора қабрга,
Даво йўқдир ушбу таъбирга.
Фурур асли шайтанатга хос,
Доим бил, эй, ақли беқиёс.
Қилсанг агар хайр иш, савоб,
Не берса ҳақ десанг хуш жавоб.
Шукрона қил ушбу дунёда,
Аллоҳ умринг айлар зиёда.
Ўткинчидир бу олам бари,
Омонатмиз, Аз-Замахшарий.

* * *

Муздалифа кечалари зулматдан фориг,
Бўлса ҳамки арафадек бўлолмас ёруғ.
Бамисоли илму фанга ихлосманд одам,
Ҳамда тенгмас уламои буюк муҳтарам.
Ҳар нарсанинг қиёсини билмакка инсон,
Энг тўғри йўл шариату қонуни "Қуръон".
Қолганлари шу ҳақдаги илму ҳикматдир,
Барчаси ҳам одамийга зебу зийнатдир.
Илм, илм дунёвийми, ё илми шаръий,
Фарз ўрганмоқ иккисин ҳам Аз-Замахшарий.

* * *

Туя агар қанча тортса оғир юк,
Одамнинг ташвиши ундан ҳам буюк.

Юк кўтариш бўлса туянинг иши,
Одам елкасида дунё ташвиши.
Баъзида мушкилим бўлсин деб осон,
Туяга ўз юкин ортади инсон.
Туяда куч бўлса одамда ақл,
Азалдан бор шундай ибратли нақл.
Ақлсиз кишида ҳар замон бешак,
Туямас йўқ ҳатто қудрати эшак.
Теракдай бўй берма, ақл бер худо,
Этма ғарибингни лутфингдан жудо.
Бобом хок эдию, хок бўлди отам,
Хоклик даъвосида турибман мен ҳам.
Қайтар ҳар муслимни ўзин аслига,
Мени эса етказ раббим васлига.
Дилимда жо бўлсин маъно гавҳари,
Ҳаққа қўшни бўлсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Замона сен билган ҳар ишга қодир,
Ҳар куни бўлар бир ҳодисот содир.
Етмай охирига ҳали битта иш,
Туғилар оламда яна бир ташвиш.
Сарфу наҳв бошини қотириб ҳар бор,
Гўё Зайд Амирга эрур дахлдор.
Гарчанд яшагансан минг йил илгари,
Сенла фахр этарми Аз-Замахшарий.

* * *

Чалиниб майдонда жанговар бурғу,
Ғанимга ботирлар ташланар: ёҳу!
Кейин ишга тушар гурзию гарон,
Тоғ каби қулагай ҳар бир паҳлавон.
Қадимдан машҳурдир шундай асотир,
Юртини сотмагай ҳеч бир баҳодир.
Синса ҳам мардларнинг қилич яроғи,
Одатдир майдонда собит турмоғи.

Дину Ватан учун бўлса гар шаҳид,
Жаннатга киргайдир ҳар барно йигит.
Дину миллат учун ким бўлса фидо,
Уни охиратда хор қилмас худо.
Замонлар ўзгариб юртлар бўлар тинч,
Одамлар кўзида порлагай севинч,
Балки бу юз берар минг йилдан нари,
Деб орзу айлаган, Аз-Замахшарий.

* * *

Сухбатдошинг бўлсин "Қуръони карим",
Яратган нонингни этмасин ярим.
Бўлса тенгқурларинг агар суҳбатдош,
Кексайган чолмисан, ё навқирон ёш.
Худо сўзи бўлсин доим тилингда,
Пинҳон шукронаси бўлсин дилингда.
Сотмасдан беҳуда ҳар хил сафсата,
"Қуръон"дан уларга сўз оч албатта.
Бўлса ҳар гурунгинг илму маърифат,
Сени ёрлақай илоҳи рифъат.
Илму шариатдан гар жавоб бўлар,
Сенга то қиёмат ул савоб бўлар.
Шариат илмидур илм сарвари,
Олимлар сарвари, Аз-Замахшарий.

* * *

"Такаббурликни асло пеша қилма,
Такаббурлик ила андеша қилма".
Ани хурсандлигу шодликка йўйма,
Сариқ мисингни зар ўрнига қўйма.
Сопол даъвоси пуч лойдан яралгай,
На сайқал бирла ундан нур таралгай.
Кулолнинг меҳнатисиз лой эрди,
Анга балчиқ заминдан жой эрди.
Илоҳим бермаса руҳ, ҳар такаббур,
Сополга арзимас бир парча лойдур.

Ғурур иблис-лаъиннинг зебу фарри,
Замахшар — ҳар сабоғинг бўлди шаръий.

* * *

Аллоҳнинг йўлида ҳар бир мусулмон,
Доим тўғри турсин, ҳам собит иймон.
Шайтоннинг бўйнини уриб синдирсин,
Ғазаб денгизини дилда тиндирсин.
Худонинг йўлига тикиб жонини,
Доим пок асрасин ўз иймонини.
Етса бундоқ шахснинг қазо-қадари,
Ҳақ ўзи асрагай,— дер Замахшарий.

* * *

Қаерда бўлмасин тубан ва хасис,
Лаънатга учрагай улар шубҳасиз.
Ёмону хасислар бўлса қай миллат,
Барига бир хилда саналур иллат.
Ким бўлса сахию меҳри зиёда,
У доим иззатда ёруғ дунёда,
Хасис лаънатланса агар ҳар тилда,
Сахий қадрланар ҳар бир манзилда.
Айтган бу ҳикматни илм умари,
Минг йилча илгари Аз-Замахшарий.

* * *

Инсонга доимо зийнатдир соқол,
Лекин меёрида бўлсин баҳарҳол.
Бўлса гар соқоли узун ва пахмоқ,
Ул одам қадимдан саналган аҳмоқ.
Кўксингга тушиб, ё битламай соқол,
Аҳли дониш бўлсанг унга қайчи сол.
Кўса қирқмаса ҳам унга имтиёз,
Барибир соқоли унинг бўлар оз.
Соқоли бўлмасдан ҳусни зевари,
Кўса ўтган экан, Аз-Замахшарий.

* * *

Ким бўлса ҳимматли, олийжаноб шер,
Ҳасад аҳли доим унинг гўштин ер.
Қурту қумурсқалар солишиб қирон,
Арслон боласини еганисимон.
Ким бўлса ҳасадгўй, бадбин ғаламус,
Тўйсин, еганингни косасига суз.
Нўҳнинг кемасидан еган сингари,
Дардига шифо бер, Аз-Замахшарий.

* * *

Қилинган иш бўлса агар чала, хом,
Доно илми уни тўғрилар мудом.
Муштни тутиб турар билсангиз ҳар чоқ,
Калта бўлса ҳамки қўлда бош бармоқ.
Шу боис қаерда бўлса тadbиркор,
Ундан доим мадад сўрамоқ даркор,
"Тақдир шундоқ экан не тadbир қилай?
Ёраб қисматимни не таҳрир қилай?"
Илоҳий каломдир сўзнинг гавҳари,
Ҳам фикҳ илмидур Аз-Замахшарий.

* * *

Одамлар ичида қолмади фозил,
Қолди Даҳҳок, Вадак сингари жоҳил.
Бу икки подшоҳдан етмай омонлик,
Доим қилмишлари элга ёмонлик.
Фитнаю фасоддир уларнинг иши,
Лаънатлар таърифин эшитган киши.
"Кофирдир адолат келса ҳар маҳал,
Художўй золимдан юрт учун афзал",
Бу улуғ шахсларнинг нуқта-назари,
Унга қўшилгайдур, Аз-Замахшарий.

* * *

Оламдан ўтишди зўр паҳлавонлар,
Элу юртларини севар инсонлар.
Етим-есирларга раҳбонлар кетди,
Мазлум кимсаларга посбонлар кетди.
Ночор фуқарони айлаб ҳимоя —
Юрар мард қолмади биллониҳоя.
Қолди иродасиз кимсалар сафи,
Уларнинг ҳеч кимга тегмайди нафи.
На доно қолдию на мард жангари,
Не замон бу ахир, Аз-Замахшарий.

* * *

Бировни айбласа падид нопадид,
У одам ҳеч маҳал бўлолмас сайид.
Қанча юксакларга чиқмасин қатрон,
Билки оқармагай қора ҳеч қачон.
Гап шуки сайидлар сайиддек бўлсин,
На ортдан ҳургувчи бир итдек бўлсин.
Ичса эшонман деб, уялмай шароб,
Мушрикдан юз бора ҳолидир хароб.
Қачон майхўр бўлган сайид, эшонлар,
Ўйланг бошингизга азиз инсонлар.
Худонинг наздида барча банда тенг,
Хоҳ уни сайиду хоҳи қора денг.
Азизу мукаррам бўлар у одам,
Эзгулик йўлида ташласа қадам.
Ҳам илму амалда бўлса фидойи,
Дилида бўлса гар доим худойи.
Удир одамларнинг асл гавҳари,
Худонинг қулидир, Аз-Замахшарий.

* * *

Аллоҳу бандага эй хазинадор,
Бурчинг бўлмаса гар ғайри бир динор.

Сен пинҳон тўплаган олтин бирла зар,
Дўзах оловида шубҳасиз ёқар.
Азалдан дунёнинг тагига етмак,
Бойигач эл-юртга садақа етмак.
Бордир бу дунёда тошу тарози,
Авалло айлагил Аллоҳни рози.
Бергил бандасига закату тортиқ,
Худо буюргандан на кам на ортиқ.
Буюрсин ўзингга сўнгра қолгани,
Мадраса, масжиду равог солгани.
Бўлсанг оламдаги энг бой савдогар,
Авал ўз юртингга таши ҳар сафар.
Агар обод бўлса элу юрт, ватан,
Бичилган чоғида танингга кафан,
Олиб кетолмайсан мисли Искандар,
Гўрингга бир мисқол олтин ёки зар.
Лекин хизматларинг қолмас бежавоб,
Эзгу қилмишингга топасан савоб.
Дегайлар: "Садақа радди балодур,
Хасису очкўзлик ажри жазодур".
Сочсин ҳақ йўлида бўлса ким зари,
Ёки илм берсин, чун Замахшарий.

* * *

Яқин қардошларинг рўё-тушмисол,
Кетди бу оламдан айласанг хаёл.
Мангу айрилиқни ҳеч битта инсон,
Тирик чоғлигида қилмагай гумон.
Дунё бир лаҳзалик тўхташ майдони.
Ет, кетмай қадрига ҳар бир инсонни.
Кўз очиб юмгунча, минг йил илгари,
Яшаб ўтган экан, Аз-Замахшарий.

* * *

Ортиқча сўзласанг, эшитган ранжир,
Сўзинг бўлсин қисқа, мисоли занжир.

Гўзал ва хуш гапир борсанг ҳар жойда,
Эшитганлар кўрсин нутқингдан фойда.
Қуруқ аравани олиб қочмагин,
Бехуда ҳар жойда оғиз очмагин.
Сўз агар одатда саналса кумуш,
Сукунат олтиндир, олтин ундан хуш.
Бундан минг йил бурун сухан сарвари,
Шундоқ таълим берган, Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлмас фосиқларда чин дўсту ўртоқ,
Уларни абадий ўртагай фиरोқ.
Бўлиб насиблари қайноқ обижуш,
Қайнар лаганлардан ичишолмас хуш.
Ичак-чавоқлари куйиб шилинар,
Сўнг улар дўзахга ўтин қилинар.
Куйиб кул бўлишар сақар ичра хор,
Бўлар жазолари қайтадан такрор.
Келганда охират, рўзи маҳшари,
Ҳақ ўзи асрасин, Аз-Замахшарий.

* * *

Кимнинг башараси бўлса гар хунук,
Унинг юз-кўзини босган бўлса тук.
Сийрати бўлади суратига хос,
Ички дунёси ҳам демакки ифлос.
Кимнинг башараси бўлса гар совуқ,
Бормагил у зотнинг олдига ёвуқ.
Турқи сўзлаб турар феълу хўйидан,
Қайтгил суҳбатлашиш фикру ўйидан.
Ким бўлса очиқ юз чехраси гўзал,
У озор отказмас билки ҳеч маҳал,
Ички дунёси ҳам бўлади зебо,
Азалдан шу хилда яратган худо.
Бўлса ким хушхулқу яна чиройлик,
Бу эрур инсонга энг катта бойлик.

Шу боис гўзалдир фаришта, пари,
Бизларга йўл бўлсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Донолар панд айтса доим диққат қил,
Чалғитар одамни душманим деб бил.
Азоб-уқубатдан панд этса холос,
Чалғитган ташлагай ғам чоҳига боз.
Бўлса ким ғаразгўй, нодону аҳмоқ,
Насиҳатга асло солмагай қулоқ.
Бировлар айласа сенга насиҳат,
Сўзига ҳар доим айлагил диққат.
Таълим олмоқликни йўқдир зарари,
Тингла панду ҳикмат, Аз-Замахшарий.

* * *

Одамлар этса ҳам доим ваъда-аҳд,
Кам бўлар уларда афсус жидду жаҳд.
Бўлмаса инсонда гар собит қарор,
Ҳеч жойда топмагай у зот эътибор.
Шу боис ҳар одам ўйлаб иш тутсин,
Бир ишни қилганда, ўзни унутсин.
Бўлмасин бошида қориннинг ғами,
Паловми, кабобми, нориннинг ғами.
Астойдил уринса битар ҳар бир иш,
Бўлса гар одамда истеъдод, дониш.
Ҳам қилган ишини мақтаб юрмасин,
Минг битта тешикка ўзни урмасин,
Яхшими, ёмонми ишига лойиқ,
Ўзи баҳо берар доно халойиқ.
Мана минг йил ўтиб фиқҳ сарвари,
Топди ўз қадрини, Аз-Замахшарий.

* * *

Мусайлама каби бўлмоқ фирибгар,
Мусулмон одамга бил кони зарар.

Ҳатто пайгамбарлик айлаган даъво,
Бундан ортиқ бўлмас оламда расво.
Кўрсатган яна у турли "каромат",
Шайтон шогирдига ҳазорон лаънат.
Шу боис ким бўлса диний уламо,
Динга амал қилсин тўғри, бехато.
"Қуръон" мазмунини бузмай сўзласин,
Ғаразмас, ҳар доим ҳақни кўзласин.
Сўзласин ҳар лаҳза не бўлса шаръий,
Мунофиқлик қилмай,— дер Замахшарий.

* * *

Туну кун ўтару бугунги куним,
Бўлмас кечагидан яхши, хушунум.
Демак эртангидан бугуним авло,
Қилай ҳар кунимга мен шукри худо.
Чунки бормоқдаман ҳалокат томон,
Шукур не кунгаки етгайман омон.
Инсон кетиб борар йўқликка сари,
Бир Аллоҳ мангудир, Аз-Замахшарий.

* * *

Тақводор мўъминлар топқай ҳаловат,
Бўлғай маконлари беҳисоб жаннат.
Уларнинг макони юксактаҳт бўлғай,
Уларга абадий-жовид баҳт бўлғай.
Мужриму гуноҳкор, фосиқу каззоб,
Дўзахнинг тубида тортади азоб.
Уларни куйдирар сақар ўчоғи,
Тугамас, мангудир азоб қийноғи.
Тушсин ҳар муслимга худо назари,
Тараҳҳум айласин, Аз-Замахшарий.

* * *

Ғам билан шодликнинг фарқидир аён,
Бирида кулса гар, бирида гирён.

Йиглаб кулмаса ҳам гапу сўзидан,
Анғлар одам боқиб, юзу кўзидан.
Бўлса ким доною соҳиби тадбир,
Хафами хурсандми билдирмагай сир.
Ғам, шодлик пайдарпай келса аксари,
Барибир билинар дер, Замахшарий.

* * *

Кўз, агар қалбингда не бўлса, инсон,
Севгими, нафратми этар намоён.
Соҳиби бўлсин гар айёрми, содда,
Кўз дилда борини айлар ифода.
Тил оғиз ичида турса ҳамки жим,
Барибир фош этар кўз деган тилсим.
Яхшилаб қарасанг, бўлади зоҳир,
"Кўз дарё" дейдилар бу гап рост охир.
Доим омон бўлсин кўзнинг гавҳари,
Сўзласа агар рост, Аз-Замахшарий.

* * *

Ғуноҳнинг тирноғин кесар надомат,
Жаҳд бирла қилинса доим ибодат.
Одамзод ғуноҳдан фориг бўлғуси,
Охирги манзили ёруғ бўлғуси.
Мурод мақсадлари топади ҳосил,
Охир ҳақ васлига бўлади восил.
Тушиб тақводорга Аллоҳ назари,
Жаннатий бўлади, Аз-Замахшарий.

* * *

Эр киши гоҳида босади олға,
Чекинар гоҳида эмас муболаға.
Қуёш ҳам Машриқдан Мағрибга оғар,
Яна қайтиб чиқар бўлса тонготар.
Оқшом юлдузи ҳам ёққанда ёмғир,

Шаъм янглиғ сўнади қарасанг бир-бир.
Булутлар юзидан гар олмаса жой,
Самода чарақлаб турар тўлин ой.
Табиат қонунин бўлмас ўзгартиб,
Худо ҳукми билан эрур ҳар тартиб.
Баридан хабардор фалак сарвари,
Шукрона айтамыз, Аз-Замахшарий.

* * *

Адоват уруғин ким экса агар,
Ҳосили бўлади азобу кадар.
Ҳар ким пешонада борини кўрар,
Ҳар ким экканига яраша ўрар.
Оламда ҳеч нарса қолмас бежавоб,
Гуноҳи кабирми, ё кори савоб.
Тўғрига етмагай ўғри зарари,
Ҳақ кўрар чорасин, Аз-Замахшарий.

* * *

Ким айлаб мурувват берса гар неъмат,
Вожибдур у зотга этмак итоат.
Фаровон неъматлар бахш этмоқ, доим,
Ўзингга хос хислат, ёлғиз илоҳим.
Сендан ибрат олса агар ҳар банда,
Лутфинг соясида бўлгай арзанда.
Ёзилган чоғида қисмат дафтари,
Сўрар у дунёдан Аз-Замахшарий.

* * *

Виждон азобию таъна маломат,
Этмаса инсонни гар хушсаодат.
Таълим тарбияю азобу қийноқ,
Унинг, киргизолмас, ақлини мутлоқ.
Қанчалик урмагил, айтмагил нақл,
Барибир эшакка кирмагай ақл.
Шу боис чўзмагил гапни чун ғалтак,

Донога ишора — нодонга калтак.
Буюклар китоби тарих гавҳари,
Ҳар недан улуғдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Кимнингки бир бўлса тилию дили,
Бўлмас у одамнинг душман, қотили,
Бировга ёмонлик қилмас ул одам,
Хатою нуқсони доим бўлар кам.
Қилсин бизларни ҳам ҳақ қаламвари,
Хатою нуқсонсиз, Аз-Замахшарий.

* * *

Баъзилар кўп қилиб саъю ҳаракат,
Қилган ишларида бўлмас баракат.
Бошидан кечса ҳам азоб-машаққат,
Иши натижаси пуч бўлар фақат.
Барча уриниши кетиб беҳуда.
Қолар охирида ғаму қайғуда.
Бўлмаса инсонда ақлу тафаккур,
Ёққан чироғи ҳам таратмагай нур.
Ким бўлса заковат бобида тугал,
Ўтирган жойида ишни қилар ҳал.
Ҳар кимнинг ўзгадир касбу ҳунари,
Аллоҳ мадад берсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Бордир Арабларнинг машҳур қишлоғи —
Дорайн аталган, мушкнинг хушроғи,
У ерда ўсарким хуш бўйли анбар,
Лаззатда бўлолмас ҳаргиз баробар.
Ҳар икки дунёнинг ибодатига,
Банданинг эришиб саодатига.
Дунёга сочилиб мушки анбари,
Шарҳ этди "Қуръон"ни Аз-Замахшарий.

* * *

Мансаб илинжида бўлса қайси зот,
Унинг шоҳ томири кесилган ҳайҳот.
Улар олишса гар фармону қарор,
Берар бир-бирига зарбаю озор.
Ишлари бир-бирин кемирмоқ бўлар,
Бир-бирин сйишиб семирмоқ бўлар.
Уларга ёношсанг олайиб қўяр,
Ўрнимни олар деб дарҳол сб қўяр.
Уларга дуч келса оғриб жигари,
Юзин бурар эди, Аз-Замахшарий.

* * *

Ким айтса Аллоҳга кўп ҳамду сано,
Доим азиз қилгай уни Раббано.
Фасоҳат бобида бўлмаса-да зўр,
Бўлар у шоири Саҳбондан машҳур.
Илоҳий зикридан топиб саодат,
Улуғ мартабага етар оқибат.
Ҳамду сано айтиб, балоғат топар,
Ҳар икки дунёда саодат топар.
Издан эргашиб ислом лашкари,
Минг йилдир ваъз айтар Аз-Замахшарий.

* * *

Ким денгиз, қир ошиб қилмаса сафар,
Кечмаса бошидан машаққат, кадар.
Азобу қайғунинг сувин ичмаса,
Ғаму андуҳларга кафан бичмаса.
Бўлса шашти қайтиб, маюс, ғамгусор,
Ул одам роҳатга бўлмас сазовор.
Интилса фақат ким фароғат сари,
Масъуд бўла олмас,— дер Замахшарий.

* * *

Ким дини исломга боқса беҳурмат,
Кибру гурур бирла этса ҳақорат.
Уни кечирмагай илоҳий разм,
Гуноҳи беадад саналгай азим.
Карбало даштида Имом Ҳусанни,
Бошини кесишган икки душманни,
Яъни Убайдуллоҳ ибн Зиёдни,
Ҳам Язид фарзанди Муов касодни.
Аллоҳ этса қанча азобга тортиқ,
Улар гуноҳидан бўлгайдир ортиқ.
Дини ислом эрур динлар сарвари,
Унинг тафсирчиси, Аз-Замахшарий.

* * *

Қадду қомат билан ҳусни гулрухсор,
Ҳеч кимга келтирмас обрў-эътибор.
Юрса ҳам у зотлар ясан-тусанда,
Биров эътибор ҳам бермас кўрганда.
Аксинча камсуқум донолар бордир,
Юриш-туришлари гарчи ночордир.
Уларни билишиб ҳурматга лойиқ,
Доимо қадрига стар халойиқ.
Зар эмас, кимдаки бўлса хуш ҳунар,
Эл ичра саналар доим мўътабар.
Арабу Ажаму борса Рум сари,
Қадр топар эди, Аз-Замахшарий.

* * *

Кимки бойлигидан бўлса гар узоқ,
Ночорлик йўлида қўяди тузоқ.
Мулкини тасаввур этолмай зинҳор,
Охир ҳалокатга бўлади дучор.
Бойлиги илгида бўлмаса одам,
Касодга тушгандай топади барҳам.

Яқинми-йироқми илм гавҳари,
Олсанг ҳам камаймас, Аз-Замахшарий.

* * *

Одамга хасталик бирла муҳтожлик,
Даҳшатдир ғурбатда қолганда очлик.
Булар бошга тушса кўп ёмон бало,
Хутбони заҳардан аччиқроқ ҳатто.
Ёраб, бу ғамлардан айлагил халос.
Ўзингсан бандангга лутфи беқиёс.
Кўнсин бошимизга бахт кабутари,
Шукрона айтайлик, Аз-Замахшарий.

* * *

Нафс балосига ким бўлса дучор,
Орзу ҳавас уни яна этса хор.
Бошига ёғилиб азобу кадар,
Бало чоҳи уни ютар муқаррар.
Оламда ким бўлса энгилтак суюқ,
Жаҳаннамда унга бор қайноқ қудуқ.
Шашвари оғзига солиниб такрор,
Шарманда этилар ҳар бир зинокор.
Бошига тушар минг ғаму инқироз,
Оламда ким бўлса "кўкү" бачавоз.
Тўғри келганини қилгувчи ҳайвон,
Иш тутсин тафаккур бирла ҳар инсон.
Йўлдан урмаса бас дин ғоратгари,
Яратган шафъдур, Аз-Замахшарий.

* * *

Мард ва олийжаноб бўлса ким қоим,
Ёпар биродари айбини доим.
Не қилса оғаси уни дегай хуб,
Ўзи қилган каби санагай марғуб.
Бу эрур оламда гўзал фазилат,
Бундай зотдан ҳеч ким қидирмас иллат.

Ҳар кимни сийласин ўз биродари,
Худо раҳмат қилсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Қўлидан келмаса кимнинг улуғ иш,
Хайру савоб дея чексада ташвиш.
Ижобат бўлмаса агар матлаби,
Асло фойда бермас наслу насаби.
Бўлмаса кишида дониш, истеъдод,
Наслу насаб билан бўлмас кашфиёт.
Ўзига яраша бўлса ҳунари,
Қўлидан иш келар, Аз-Замахшарий.

* * *

Дўсту биродарлик даъво қилса ким,
Дарду ғам чоҳида ўртанар муқим.
Ўйлаб қардошларин соатма-соат,
Ундан бегонадир роҳат-фароғат.
Оға-инисига ким бўлса қурбон,
Оламда эрур у бебаҳо инсон.
Кишининг қалбидир одил тарозу,
Қардошлар меҳрини доим тортар у.
Севимли бўлгайдир дўсту жигари,
Ҳақиқий инсоннинг, Аз-Замахшарий.

* * *

Қадимдан бир нақл хушдир ниҳоят,
Ишончли донолар қилар ҳикоят.
Ҳазрат пайғамбардан қолган ҳадислар,
Энг олий юракдан туғилган ҳислар.
Атиқи маъсур деб аталган шамшир,
Бўлмасин қанчалар кесгир ва ўткир.
Ҳадиси шарифнинг сўзлари бироқ,
Атиқи маъсурдан минг бор ўткирроқ.
Ким Аллоҳ сўзига келгай баробар,
Ҳазрати саллоллоҳ ундан баҳравар.

Шу боис ҳар айтган қутлуғ каломи,
Умнатга Расулнинг ҳикмат инъоми.
Уларни ёд этсанг рўзи маҳшари,
Шафоат айлағай, Аз-Замахшарий.

* * *

Кимки саодатманд солиҳга йўлдош,
Унинг этагига қўйса агар бош.
Измидан чиқмаса зарра ташқари,
Жо бўлса дилига ҳикмат гавҳари.
Хайру баракалар топиб у одам,
Мурод-мақсадига етар мукаррам.
Бўлиб азиз зотлар дўсту ёвари,
Етди муродига Аз-Замахшарий.

* * *

Кимки ваъдасига қилмаса вафо,
У зот охиратда чекади жафо.
Кўрсатса ҳар доим турли важ-карсон,
Ҳимматли мард бўлмас ҳаргиз у инсон.
Уларнинг номидир козиб, ваъдабоз,
Ҳатто ёзганинда уялар қоғоз.
Ҳайфдир бундайларга каломнинг зари,
Мухтасар бўлса соз, Аз-Замахшарий.

* * *

Энг буюк неъматдир танинг бўлса соғ,
Сиҳату саломат бўлганда ҳар чоғ.
Инсонлар баъзида қилиб гуноҳ иш,
Бошига орттирар минг хилда ташвиш.
Қай бир кўчаларни орзу айлағай,
Фисқу фасодларга ружуъ айлағай.
"Соғ бўлса баданинг, соғ бўлар ақл",
Бор қадим замондан шундай хуш нақл.
Сен буюк неъматни суюк деб билгил,
Қилсанг ҳам энг буюк ишларни қилгил.

Аз рўзи азал то рўзи маҳшари,
Ҳақ сени қўллагай, Аз-Замахшарий.

* * *

Маккор ва алдамчи бир йиртқич ҳайвон,
Номи Бурсақ эрур, фирибда шайтон.
Олар ўлжасини макру найранг-ла,
Агар керак бўлса тишлашиб жанг-ла.
Бани одамларга берсанг эътибор,
Баъзиси ҳайвондан ваҳшийроқ юз бор.
Гарчи етмаса-да бирорта фойда,
Бир-бирин пойидан чалар ҳар жойда.
Шайтонга эргашган Бани башари,
Доим зиён кўрар, Аз-Замахшарий.

* * *

Нодон ва бетавфиқ, гўр бўлса ҳар кас,
Фисқ-фасод йўлидан қайтариб бўлмас.
Жиловин бўш қўйсанг у телбакезар,
Сени бир қумурсқа мисоли эзар.
На, айтсанг насиҳат, одам бўлади,
На, сенга ҳақ йўлда ҳамдам бўлади.
На, унда бўлади завқ, меҳр, раҳм,
Жонингдан тўйдиран ул калтафаҳм.
Бошингни қотирмай, юр ундан нари,
"Аҳмоққа сукут" деб, Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлмаса кимнинг гар амали солиҳ,
Бўлар ҳам чўнтагу ҳам дили холи.
Уруғсиз деҳқонга қилгил эътибор,
Эколмас, заминни қилса ҳам шудгор.
Уруғ сочганларга худо берар қўш,
Бўлар уруғсизнинг уй-омбори бўш.
Ҳар икки дунёда ким қилса савоб,
Бўлади ишига яраша жавоб.

Ўткинчи оламда мангуликка хос,
Ҳар ким ибрат олиб, айласин қиёс.
"Асҳоб-ул-қаҳв" деган гор ичра дилгир,
Эди Чориёрнинг бири ит Қитмир.
Улуғ Пайғамбарнинг изидан бориб,
Ислом оламида шуҳрат чиқориб.
Эргашиб ҳидоят аҳлига ҳушёр,
Абадий жаннатга бўлди сазовор.
Ҳар нега қодирдир ҳақ қаламвари,
Донолар доноси, Аз-Замахшарий.

* * *

Қўрқоқлар ҳар недан чўчишса ҳайҳот,
Қочиб қутилишдан излайди нажот.
Қўрқоқ киши агар ростласа жуфтак,
От унга етолмас бўлсин йўрға-таг.
Қўрқувга мубтало бўлган ҳар киши,
Қочиб қутулмоқдир билгувчи иши.
Ҳар икки дунёда бўлмагайсан кам,
Қўрқсанг ҳам худодан қўрққил, эй одам.
Худодан қўрққаннинг рўзи маҳшари,
Саодати бордир, Аз-Замахшарий.

* * *

Умр аввалида не қилса одам,
Умр сўнгигача етар мукаррам.
Эзгулик айласа эзгуликка хос,
Топар азизликда лутфи беқиёс.
Фисқу фасод ила қилса ёмонлик,
Топмагай дунёда ҳаргиз омонлик.
Умр кемасининг йўқдир лангари,
Муқим тўхтаб турмас, Аз-Замахшарий.

* * *

Одоб-ахлоқ ила бўлиб сарфароз,
Берилса илмга ким умри дароз.

Унга тенг келмагай оддий ҳаваскор,
Одобу илмда бўлса дастидёр.
Донишманд пир эрур ҳар бобда қомус,
Бамисли ҳуснда тўкис чун товус.
Энди бошлагувчи ҳали шўртумшуқ,
Кўп бўлса қиёси оддий бир чумчуқ.
Лекин комилликда бўлмас еш-қари,
Комиллар комили, Аз-Замахшарий.

* * *

Илму маърифатли бўлса қай одам,
Севмас такаббуру аҳмоқни ҳеч ҳам.
Уларнинг бурнини ишқаб заминга,
Киргизмоқчи бўлар тўғри йўл — динга.
Дононинг нодонга тушиб назари,
Таълим берса хушдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Узоқ муддат агар сақласанг сукут,
Бўлар рўзғорингда баракаю қут.
Ҳаётинг кечади тўкису кўркам,
Мурод-мақсадингга етасан ҳар дам.
Чидам, эътиқодда улуг ҳикмат бор,
Не сўрсанг беради пок парварлигор.
"Доим шукронасин айтгил дилингдан,
Зикрини қўймагил асло тилингдан".
Тайёр бўл сафарга шому саҳари,
Ўткинчи дунё бу, Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлмаса хушхулқу ҳусни дилоро,
Ясаниб бермасин қанчалар оро.
Қовушмаса сурат-сийрат мукаммал,
Ў одам кўринмас кўзларга гўзал.
Баайни фосиқки гуноҳга ботиб,
Юрса макруҳ дунё лаззатин тотиб.

Ўзни тутса ҳамки манглайи ёруғ,
Қалби айбдан сира бўлмагай фориг.
Инсон камолоти, зебу зевари,
Илму дониш эрур — дер, Замахшарий.

* * *

Такаббурлик бировга бермас обрў,
Қилар дўстингни душман келса гар у.
Киши қадрин этар ерга баробар,
Мудом ундан ҳазар қил, эй, биродар,
У қўрғон ичра эсган бир шамолдир,
Ки андин етгани доим малолдир.
Қаён манзилда бир мағрурни кўргай,
Абул-Қосим улардан юзни бургай.

* * *

Ям-яшил япроқлар ичида қийғос,
Кўринса кўзларни ўйнатиб чарос.
Уларнинг лаззати айлар маҳлиё,
Бўлсанг агар доно, соҳиби зиё.
Оппоқ қоғоз узра кўрсанг гўзал хат,
Мевада кўп сенга уйғотгай рағбат.
Битикларга тушса доно назари,
Дунёни унутар, Аз-Замахшарий.

* * *

Кема чўкиб кетиб денгизда, одам
Сузиб ҳар тарафга изласа ёрдам.
Ёки икки-учта хотини аро,
Ҳар куни қўпса бир жанжал-можаро.
Осуда яшашга бўлмаса имкон,
Қай бири даҳшатли айтгил, эй инсон.
Хотинлар илгида обрў тўкмоқми,
Денгизда ноилож ёки чўкмоқми?
Эрур ҳар иккиси бир хил фалокат,
Одамга келтирар охир ҳалокат.

Қочиб кетиб бўлмас қисматдан нари,
Умидли дунёда, Аз-Замахшарий.

* * *

Инсон икки ҳолда топмас азизлик,
Такаббур бўлса ё қилса хасислик.
Гердаийб юрсада пўрим такаббур,
Муҳтож ёрдам сўрса кўрсатмас бир қур.
Кимда бўлса шу тарз ярамас одат,
Ундай шахс топмагай бахту саодат.
Худони унутар бўлса кайфи чоғ,
Ҳар жойда хасису гўл, калондимоғ.
Худони унутса агар ҳар банда,
Бўлар охиратда расво, шарманда.
Ҳар доим улуғлар қатори бўлгил,
Ҳеч бўлмаса кўйи ғубори бўлгил.
Эзгулик — йўлларнинг энг мунаввари,
Хайру сахо ила, Аз-Замахшарий.

* * *

Инсоннинг зийнати хайру саховат,
Йўқ ундан ортиқроқ гўзал бир одат.
Афсус одамларда бунга имкон йўқ,
На хайр, ҳаттоки ейишга нон йўқ.
Ночорлик — уруғи сероб экилган,
Хайру саховатнинг йўли бекилган.
Инсон интилса-да эзгулик сари,
Гоҳ илож тополмас, Аз-Замахшарий.

* * *

Ким жидду жаҳд ила бўлса тadbиркор,
У етиб муродга бўлар бахтиёр.
Ҳаётда доимо бўлади ғолиб,
Илмга ким бўлса доимо толиб.
Бош қашиб ўтирма, айла таваккал,
Омадинг келса гар, ютасан ҳар гал.

Ўйлар донолар ҳам турмуш, рўзгорин,
"Нун-алиф-нун"— билан тўймайди қорин.
Аввал буғдой нону кейин сўз зари,
Инсонга керакдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Одамни турли хил яратган афлок,
Афсуски уларнинг кўплари нопок.
Баъзи одамсифат тўнғиз мизождир,
Баъзиси тўнғиздан расвою кождир.
Бўлмаса шуурли қалби пок инсон,
Ундан афзалроқдир ақлсиз ҳайвон.
Уларни етаклаб жаҳаннам сари,
Шайтон бошлаб борар,— дер Замахшарий.

* * *

Тоғнинг тепасидан қоя кўчириш,
Миннат эшитмоқдан осонроқ бир иш.
Юксак қояларни ағдар қатма-қат,
Эпласанг бировдан эшитмай миннат.
Тоғни талқон қилиб баъзи паҳлавон,
Нокас миннатидан топмагай омон.
Юракка ботмасдан таъна ханжари,
Кеч ҳою ҳавасдан, Аз-Замахшарий.

* * *

Баъзилар оламда яшагай узоқ,
Лекин тажрибасиз, гўр эрур мутлоқ.
"Ақл ёшда эмас, бошда"— дейдилар,
Маккорлар гўрларнинг бошин сўдилар.
Аёвсиз курашнинг голиб навқари,
Доно илми эрур, Аз-Замахшарий.

* * *

Етмишга кирсангда йиртқич арслон,
Мисоли отасан ўзни ҳар томон.

Мол-дунё ҳирсида чўзилар қўлинг,
Ҳаётда шу сенинг ягона йўлинг.
Ётмишга кирганда донишманд зако,
На юрти, тан олар ҳаттоки дунё.
Шу янглиғ қартайса ўғри, муттаҳам,
Бўлар унга ўғри дунёси қарам.
Шукур бизда бундай балолар йўқдир,
Қароқчи, хоин, юзқаролар йўқдир.
Пахтаю дон экиш ўзбек ҳунари,
Минг йил бурунгидек, Аз-Замахшарий.

* * *

Билса хотин зоти гирифторлигинг,
Ўзининг ишқига агар хорлигинг.
Бурнингни ишқагай сени тупроққа,
Ё ташлаб кетажак мангу фироққа.
Шу боис билдирма хотинларга сир,
Ўзингни кўрсатгил доною абжир.
"Иккидир ҳар ахмоқ одам хислати,
Майда гап. хотинга бўлса рағбати".
Бўлса сенга солиқ гар вафоли ёр,
Унга жонингни ҳам айлагил нисор.
Умумий йўсинда берилар таълим,
Олсин керагини ўзига ҳар ким.
Бордир аёлларким дил ғоратгари,
Улардан асрасин, Аз-Замахшарий.

* * *

Бу йўллар ичида улуғи йўқдир,
Инсон учун бахтга тўлиғи йўқдир.
Бу бир оломондир наки эл бўлар,
Наинки қўшилиб охир сел бўлар.
Билгилки у элга эмассан лойиқ,
Сафига қўшмаса агар халойиқ.
Шу боис, элингни демасдан ёмон,
У билан бирга бўл доим, эй инсон.
Кимки замонидан нолиса агар,

Ҳеч ким санамагай уни мўътабар.
Замонанг бўлмаса гар табъингга мос.
Ўзингни фарқ айла ёки дорга ос.
Иккисин қилишга топмасанг илож.
Оғзингни, худога шукр,— дея оч.
Доимо интилгил эзгулик сари,
Хайрда гап кўпдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Ёғилса бошингга турфа мушкулот,
Эзгу ниятларинг бўлади барбод.
Амалга ошмасдан азму қароринг,
Ҳеч ишда келмайди сенинг бароринг.
Ҳар ишда бўлади тошу тарози,
Ниятингга Аллоҳ бўлмаса рози.
Бир умр қоласан афсус, армонда,
Муродга етолмай ёруғ жаҳонда.
Ниятинг ҳар доим агар бўлса пок,
Ҳам қулим ол, деса сарвари афлок.
Суғурган мисоли қилни хамирдан.
Мақсадга етасан, эй, инсон, бирдан.
Ёзуғинг не бўлса марди ҳунари.
Охири шу бўлар, Аз-Замахшарий.

* * *

Ким бўлса ҳимматли, саховатпеша,
Одамлар ёпишар унга ҳамиша.
Севинчли дамида бўлишар ҳамдам,
Қайғули дамида бирга чекар ғам.
Асло ёлғиз қолмас саховатпеша,
Уни элу юрти қўллар ҳамиша.
Ёғилгай ҳақнинг ҳам нури назари,
Сахийлар устига, Аз-Замахшарий.

* * *

Ўзига топиб бир ҳикматгўй қардош,
Ундан таълим олмоқ бўлса ҳар бир ёш.

Насиҳатчи кўриб хулқини ёмон,
Уни сузади деб айласа гумон.
Қандай бадгумонга сиз нима дейсиз?
Биламан, ачиниб кўп афсус ейсиз.
Гумон гуноҳларнинг расво бадтари,
Бадгумон бўлма,— дер Аз-Замахшарий.

* * *

Фақир, мискинларга қилмаса эҳсон,
Бойлар ҳоли бўлар охирда ёмон.
Ночор гадоларга вожиб садақа,
Бўлар қисматда қизиган тақа.
Улар манглайига босилиб шаққа,
Отилар барчаси тубсиз хандаққа.
Даҳшатли жаҳаннам қомига тортар,
Ким хайр бермай гар гуноҳга ботар.
Ким етим-есирни тутиб назарда,
Хайрия йиғсаю бермай агарда.
Унинг ҳисобидан қилса маишат,
Дўзахда кўяди у зот бадният.
Ўзингга бўлмаса мулки ағдарма,
Бировдан тиланиб йиғми жамғарма.
Ким агар тиланиб бўлса гар боён,
Унга ҳам шафоат бўлмас ҳеч қачон.
Қорни тўйганича тиланиб гадо,
Ҳар доим айласин ҳақ фарзин адо.
Оламда бўлмагил телба-тескари,
Доим тўғри бўл дер, Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлса гар инсонда олий фазилат,
Ҳар доим отса у хайру саховат.
Ўзидан фарзанди саналур азиз,
Пўчоқдан данаги ширин шубҳасиз.
Садафнинг ичида бўлар дур-инжу,
Садафдан бебаҳо саналади у.

Бўлсин ҳар инсоннинг азиз жигари,
Садафдан дур янглиғ Аз-Замахшарий.

* * *

Яратиб заминни пок парвардигор,
Бахш этди улугвор тоғлардан виқор.
Дарёю денгизлар бахш этса ҳаёт,
Нур сочар қуёши бирла самовот.
Худди шу тахлитда дини Ислом ҳам,
Имом Аъзам билан бўлди мукаррам.
Абу Ҳанифақим, буюк истеъдод,
Мазҳаб илмларин айлади ижод.
Ислом динидаги чўнг, пурвиқор тоғ,
Имом Аъзам десак, тўғридир мутлоқ.
У ислом динининг бўлиб сарвари,
Етди ҳақ лутфига Аз-Замахшарий.

* * *

Ўткир қилич бошга тушгани ҳар гал,
Нодоннинг измида бўлишдан афзал.
Аҳмоққа итоат этмагай доно,
Бўлса ҳам ҳаттоки у юртга подшо.
Қадимдан бу ҳақда шундай мақол бор:
"Нодонлар ишратда, доно эса хор".
Гар шундай айланса фалак меҳвари,
Биз не ҳам қилардик, Аз-Замахшарий.

* * *

Қиличда қин бўлгай, бургутда чангал,
Ўлжага ташланган чоғида ҳар гал,
Қилич қиндан чиқиб ғанимни чопар,
Бургут чангали-ла ризқини топар.
Ботирда бўлмаса қуролу яроқ,
Душманин қалбига сололмас титроқ.
Бўлса ким юртпарвар, ботир жангари,
Майдонда билинар, Аз-Замахшарий.

Можаро бирла ким қилса мурувват,
 Баҳор ёмғиридек ёғса ҳам қат-қат.
 Хайрли саналмас бу янглиғ эҳсон,
 Бўлса ҳам беҳисоб, кўпу фаровон.
 Берсанг можаросиз агар бир майиз,
 Бир қоп миннат қилиб бергандан азиз.
 Оғринмай айласа кимки садоға,
 У одам ҳаттоки ёқар худоға.
 Олиму шоирнинг сўз бойлик — зари,
 Элига бергувчи, Аз-Замахшарий.

Ваъда берса кимки чун Урқуби наҳс
 Улким ваъдасин ҳеч бажармаган шахс.
 Бир ишга қасд қилиб айниса ҳар он,
 Бўлса хиёнаткор мисоли чаён.
 Елкангга кўтарган чоғинг урса ниш,
 Бўлса эзгуликка жавоби чақиш.
 Ундай зотдан етмас хайру саховат,
 Қилмиши фитнаю гина, адоват.
 Оламдан қуригай улар илдизи,
 Қолмагай бирорта хайрли изи.
 Ютар жаҳаннамдек заминнинг қаъри,
 Ҳар бир ваъдабозни, — дер Замахшарий.

Одамзод фарзанди ҳар иш қилса хос,
 Бўлмаса пайғамбар суннатига мос.
 У ишлар саналмас эзгу ва мақбул,
 Ҳақнинг даргоҳида бўлмагай қабул.
 Борса гар изингдан ҳақ пайғамбари,
 У солиҳ бандадир, Аз-Замахшарий.

* * *

Хўжа ўз қулига, фақирга боён,
Этмаса доимо саховат, эҳсон.
Уларда йўқ бошқа эзгу фазилат,
Қилмаса қўшқўллаб ҳар кунни ҳиммат.
Аксинча эҳсонин айласа қабул,
Боённинг фақиру, хўжаларнинг қул.
Бўлишиб бу ҳолдан мулкдорлар хурсанд.
Охиратда бизга етмас деб газанд,
Дунёга бағишлар ўзгача чирой,
Бўлса хўжа одил, саховатли бой.
Кам бўлган сахий зот минг йилдан нари,
Бундан берида ҳам, Аз-Замахшарий.

* * *

Ўрмонда арслону чаманда булбул,
Саҳрода илону бутоқларда гул.
Бўлса ҳеч бу ҳолдан тушма ҳайратга,
Меҳр қўй инсонга, ҳам табиатга.
Ҳар жойда ҳар кимнинг муқим ўрни бор.
Ўз ўрнин йўқотган кимса бўлар хор.
Токи айланаркан фалак меҳвари,
Ўз ўрнин йўқотмас Аз-Замахшарий.

* * *

Бирор масалада қилсанг тафаккур,
Ҳеч бир ошиқмасдан яхши ўйлаб кўр.
У иш сенга берар зарарми фойда,
Бир кунда битарми ёки бир ойда.
Фикр-мулоҳаза айласанг обдон,
Оқибати бўлар, албатта аён.
Шу боис деганлар: "етти бор ўлча",
Хоҳ бўлсин омонат, хоҳ бўлсин ўлча.
Кейин кесиш мумкин уни бир марта,
Ғоят зарур бўлса сенга агарда.

Ҳар гўзал кўзгуга тушса назари,
Билар ўз баҳосин Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳар гўзал аёлни кўргани асно,
Ҳушидан бир бора бўларкан жудо.
Муслим ибн Валид сингари нодон,
Бўлмагил ҳеч қачон заиф мусулмон.
Йўлида дуч келса бирорта дилдор,
Унга эргашаркан мисли зинокор.
Оламда бу эрур гуноҳи кабир,
Умрбод одамни айлагай ҳақир.
Иффату покликдир инсон зевари,
Аввали иймондир, Аз-Замахшарий.

* * *

Хайрлик саналмас оламда асло.
Ваъда нася эмас, нақди бўлади,
Берилган соати, вақти бўлади.
Тўй ўтгач дегайлар: ўсма на даркор,
Ахир бу гапда ҳам пинҳон ҳикмат бор.
Ваъда қилган бўлсанг, вақтида бажар,
Унутма аҳдингни асло, биродар.
Доим белда бўлсин ҳиммат камари,
Сўзингдан қайтмагил, Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлмасанг нафсингга асир, мубтало.
Измингда тутасан уни доимо.
Бир марта у сендан чиқса гар ғолиб,
Бошлагай тубанга ёқангдан олиб.
Нафс балосига бўлиб гирифтор,
Эй, инсон, ҳаётинг кечар доим хор.
Худони ёд айла шому саҳари,
Қаноат бергил деб, Аз-Замахшарий.

Жаҳонда туғилса ҳар бир мушкулот,
 Доно илми бирла ечилгай у бот.
 Чунончи айланар замин у само,
 Қутби теграсида бир хил доимо.
 Яралгувчи билан яратган бордир,
 Оламни измига қаратган бордир.
 Сен кимсан, ишонсанг буюк эртангга,
 Ёнингга тушгани чоғи тўрт танга.
 Замона боқмаса, замонага боқ,
 Не келар қўлингдан қолсанг агар тоқ.
 Йўлинг тўғри бўлса эргаштир элни,
 Янада маҳкамроқ боғлагил белни.
 Юрту ватан учун ўзни фидо қил,
 "Валекин душмандан дўстни жудо қил".
 Сен тинчу жаҳон тинч, уйинг бўлар тинч,
 Гўдагинг кўзида порлагай севинч.
 У бўлди, қолдим деб ачинма зинҳор,
 Қўяр жой-жойига, худо — мадаккор.
 Бўлсин шукронада ҳар ёшу қари,
 Мисоли Жоруллоҳ-Аз-Замахшарий.

Юлдузлар бемалол қилолмагай сайр,
 Фалак гардишидек айланар бу дайр.
 Меҳнаткаш деҳқону оддий халойиқ,
 Ҳеч қачон бўлолмас шоҳликка лойиқ.
 Чиқмаган мисоли аҳмоқдан оқил,
 Муаммо эмас бу, ўзинг англа бил.
 Ойу Қуёш эса вазиру подшоҳ,
 Милтироқ юлдузлар эса фуқаро.
 Бордир ҳар нарсанинг зеру забари,
 Мисоли имлонинг, Аз-Замахшарий.

* * *

Ҳаргиз ажабланма баъзи бир нодон,
Юксалиб тепангда берса гар фармон.
Олим, доно бўлиб қолсанг тубанда,
Бу ҳолат учрагай ҳар бир Ватанда.
Қайғурма бўлсада чўнг юлдуз Суҳайл,
Қутб жанубида пасаяр ҳар гал,—
Заминга теккандай бўлар Канопус,
Бундан нечук лозим чекмоқлик афсус.
Наоим гарчи бир митти ситора,
Фалакнинг тоқида турар якбора.
Оламнинг устида туриб лоф урар,
Қуёшу ойдан ҳам баландроқ турар.
Андинда баландроқ фалак сарвари,
Не қиларин билар, Аз-Замахшарий.

* * *

Марзамон юлдузи порлаб турганда,
Ёвузлик оламда ҳукм сурганда.
Ёғилар одамлар бошига ташвиш,
Бўлмас замонада хайрлик бир иш.
Ҳақнинг қўзғалганда қаҳру қадари,
Қиёмат қўпажак, Аз-Замахшарий.

* * *

Арслоннинг тирноғи ботмас ҳеч қачон,
Ётса уясида гар ўлжа — ҳайвон.
Пусиб ҳужум қилмас ҳеч маҳалда шер,
Мардона курашда ғолиб чиқиб ср.
Оғзини булғамас ўлаксадан қон,
Оқсаю ётса гар бир ўлжа бежон.
Шерга ўхшаш бўлар марднинг ҳунари,
Меҳнат қилиб егай, Аз-Замахшарий.

* * *

Бўлмаса сахий ва доно, поквиждон,
Унга дил сирини, айтма, эй, инсон.
Учраган кимсани айлама сирдош,
Бўлмасин десанг гар махфий сирим фош.
Ҳаётинг доимо кечади ширин,
Сиринг юрагингда турса яширин.
Аҳмоқ сўрмасанг ҳам айбини айтар,
Агарда сир тутса минг бало қайтар.
Ҳаётда тут доим доноларча иш,
Ҳеч қачон бошингга ёғилмас ташвиш.
Улуғ сир-асрорнинг эрур дафтари,
Қалбингни очсанг гар, Аз-Замахшарий.

* * *

Доимо гуноҳга ботади улар,
Гуноҳ ишлар қилиб ётади улар.
Минган эшаги ҳам, оти ҳам гуноҳ,
Авлоду аждоди, зоти ҳам гуноҳ.
Гуноҳ узра гуноҳ қилишиб доим,
Махфират сўрамас дея:— Илоҳим,
Қилган гуноҳимдан мени фориғ эт,
Юзимни охират кунни ёруғ эт.
Иблисга эргашиб қилиб шайтонлик,
Ҳар икки дунёда кўрмас омонлик.
Уларни интизор кутар сақари,
Алҳазар улардан, Аз-Замахшарий.

* * *

Эй, одам, унутмоқ сенинг одатинг,
Ҳушёр бўл, ёд этмоқ хуш саодатинг.
Аввало яратган Аллоҳни ёд эт,
Сўнг Расул, устози дилхоҳни ёд эт.
Ёд айла ота-ю онаизорни,
Ёд айла ақрабо, хешу таборни.

Унутмоқ бўлса-да, одатинг инсон,
Чиқарма эсингдан ҳақни ҳеч қачон.
Ҳардамхаёлликнинг бордир зарари,
Доим зикрида бўл, Аз-Замахшарий.

* * *

Ёмон сўздан сақла тилингни болам,
Ундан бўлганмасин бокира олам.
Бўлса ким хушхулқу ширинзабонлиғ,
Ҳар икки оламда топгай омонлиғ.
Ёмон бўп ташланма, асло кўзларга,
Тилингни ўргатгил яхши сўзларга.
Бўлса ҳар кимсанинг тилда шакари.
Худога хуш ёқар, Аз-Замахшарий.

* * *

Бахилу хасиснинг қўли очилмас,
То тортиб олмасанг, садақа қилмас.
Тил билан этмасанг шарманда, мулзам,
Бахилу хасис ҳеч айламас карам.
Бамисли заминнинг қаъридаги кон,
То қазиб олмасанг чиқмас ҳеч қачон.
Керакдир кавлашга теша-ю кетмон,
Ким билар кўрасан фойда не чандон.
Хасис ҳам қиларми, қилмасми ҳиммат,
Сўрама сен ундан, айлаб азимат.
Худонинг яратган неъматин сархил,
Бўкиб ўлмайдими хасису бахил.
Алардан доимо айлагил ҳазар,
Юзини кўрмагил то рўзи маҳшар.
Саховат йўлидан боргил илгари,
Худо тавфиқ берсин, Аз-Замахшарий.

* * *

Қимматли тошлардан азизроқ инсон,
Ўзни зару дурга этмагил қурбон.

Ошиб молу мулкинг ҳаддидан юз бор,
Бўлма такаббуру мағруру кибор.
Инсонга хос ишни қилсанг халойиқ,
Доим сени билар ҳурматга лойиқ.
Маънолар садафи гавҳари одам,
Эзгу ишлар билан бўлар мукаррам.
Адолат йўлидан чиқма ташқари,
Шоҳми гадомисан, Аз-Замахшарий.

* * *

Эй, молу мулк бирла истаб хазина,
Ахир қачонгача эмасан сийна?
Кўкракдан ажрашга йўқ каби ҳаддинг,
Чўзилиб кетди-ку, эмиш муддатинг.
Доимо қилмишинг бўлса судхўрлик,
Бошингга бу фойда келтирар шўрлик.
Вужудинг аланга ичида қолар,
Нафсинг сени охир дўзахга солар.
Ҳеч кимса қилолмас сенга шафоат,
Қилмасанг худога тоат-ибодат.
Кирсанг ҳақ йўлига, тушса назари,
Сени қўллагайдир, Аз-Замахшарий.

* * *

Инсонга аввало кўриниб тотли,
Эй дунё, охири бўласан додли.
Аввал фарзандларга туюлиб ширин,
Сўнг аччиқ бўласан эмас яширин.
Уларни қўллайсан, етса камолга,
Сўнг мангу ташлайсан яна заволга.
Уларга айтмассан гарчи алвидо,
Сўзсиз айриласан лекин, эй, дунё.
Сенинг фарзандларинг, безагинг одам,
Улар тугаб битса, тугайсан сен ҳам.
Келгунча қиёмат, Рўзи маҳшари
Ер юзи тинч бўлсин, дер Замахшарий.

ХОТИМА

Абу-л-Қосим Маҳмуд Аз-Замахшарий,
Ислом шайхларининг доно сарвари.
Жойлари доимо Ризвонда бўлсин,
Бундай бахт ҳар битта инсонда бўлсин.
Тўртинчи декабр, бир минг тўққиз юз,
Йилнинг тўқсон тўрти, кечаю кундуз,
Назм эттим бу ҳикмат китоби фохир,
Орадан етти кун ўтганда охир.
Ўнинчи декабр шанба кечқурун,
Тугатдим мен уни ётмасдан бурун.
Тўкилиб унга бор қалбимнинг қўри,
Қўйдим сўнгги нуқта, бас Олим Бўри.

Олимжон Бўриев

ЗАМАХШАРИЙНОМА

На узбекском языке
Издательство "Ўзбекистон"— 1996, Ташкент,
700129, Навои, 30

Рассом *Т. Қаноатов*
Бадий муҳаррир *Х. Меҳмонолов*
Техник муҳаррир *М. Хўжамқулова*
Мусаҳҳиҳ *С. Тоҳирова*

Теришга берилди 7.11.95. Босишга руҳсат этилди 12.02.96.
Бичими 70Х90/32 босма қоғозига "Школьная" гарнитурала офсет босма усулида босилди. Шартли босма т. 3,51
Нашр т. 4,14. Нусхаси 10.000. Буюртма №155
Баҳоси шартнома асосида

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129. Тошкент.
Навий кўчаси, 30. Нашр № 268-95

Оригинал-макет масъулияти чекланган
"Ношир" жамияти техникавий ва программавий воситалар
базасида тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитаси, Тошкент рағли босма
фабрикасида босилди.
700128, Тошкент, У. Юсупов кўчаси, 86.

151



"УЗБЕКИСТОН"

